



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
7-yanvar
chorshanba
№ 1 (1479)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

МУНОСАБАТ

Ўтган йилнинг сўнгги кунлари юртдошларимизга, барча каттаю кичикка жуда катта рағбат, эртанги кунга бўлган ишонч ҳиссини янада оширган тарихий воқеа – Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси бўлди, десак хато бўлмайди. Ушбу Мурожаатномани 2025 йилнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий манзарасини тўла-тўқис таҳлил этган муҳим ҳужжатгина эмас, балки мамлакатимизда яқин беш йил ичида рўёбга чиқариладиган устувор вазифалар дастури тақдироти бўлди.



ЭНГ ОЛИЙ ВАЗИФА – ВАТАН МАНФААТИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қанчалик оғир бўлмасин, юртимизда бошланган демократик ислохотлар кўзда тутилган натижаларни берганини алоҳида таъкидлади. Шу жумладан, 2025 йилни "мураккаб йил" деб таърифлагани бежиз эмас. Қачонки, бутун дунёда кечаётган алғов-далғовли даврда тинчлик ва озоишталанини таъминлаш, халқнинг яшаш тарзини юксалтириш, иқтисодий имкониятларни ошириш, умуман, жаҳонро мамлакат нуфузини баландга кўтаришнинг ўзи мураккабдан мураккаброқдир.

Давлатимиз раҳбари бундай юксак натижаларни халқимизнинг улкан ишларга қодир эканлигига яққол мисол сифатида алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, улғу шоир айтганидек, "Халқ тўлқиндир, халқ кучдир!" Бунга шубҳа йўқ. Шу боисдан ҳам Президент куч бирликда, ҳамжиҳатликда эканлигини, "Бирлашган ўзар – бирлашмаган тўзар" нақлини эсга олди.

Энг муҳим ютуқларимиз ҳақида сўз юритилганда бугун Янги Ўзбекистонни дунё тан олаётганига эмас, юртимизга ҳавас кўзи билан қараётгани ҳам гап. Айниқса, Ўзбекистон футболни учун ўтган 2025 йил тарихий йил бўлди. Миллий терма жамоамиз илк бор Жаҳон чемпио-

натиға йўлланмани қўлга киритди. Шаҳмат бўйича Жаҳон кубоги мусобақаларида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Ўтган йилги Ёшлар Параолимп уйинларида спортчиларимиз жасорат намуналарини бутун оламга намойиш этди. Бундай улкан муваффақиятлар юртимизда спортга бўлган эътибор туфайли эмасми? Албатта шундай!

Тан олиш жоиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда жуда катта ишлар, ўзгаришлар рўёбга чиқарилмоқда. Назаримизда, буларнинг бари бир нарсаси бўлиб тақалади: бу ҳоҳ иқтисодий, ҳоҳ ҳуқуқий, ҳоҳ сиёсий бўлсин, очилқининг таъминланганида. Ўйлаб кўринг, бундан атиги 9-10 йил аввал бирор тадбиркор, у ҳоҳ йирик сармоядор бўлсин, ҳоҳ бизнесини энди-

ЭЛ СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР

ИЛМ-ФАН ЧИРОҒИНИ КЎТАРГАН УСТОЗ

Юртимизда ўзининг юксак инсонийлик фазилатлари, ҳалол меҳнати ва илм-фанда жуда катта юксакликларни қўлга киритган ҳамда айтиш мумкин бўлса, аллома устоз сифатида номи тилга олинган сиймолар қаторида, ҳеч шубҳасиз, академик Оқил Умурзоқович Салимовни алоҳида тилга олиш жоиз. У киши айни шу кунларда қарийб юз ёшга яқинлашаётган, аниқроғи, ўзининг култур 98 ёшини қарши олаётган эл-юртнинг садоқатли намоёнасидир.

Мавлоно Алишер Навоий айтганидек:
Одами эрсан, демагил одами,
Ониким йўқ халқ гамидин ғами.

Ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб олимларнинг устози бўлиш, эл ардоғида пиру бадавлат умргузаронлик қилиш саодати ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бундай бахтга Яратганининг инояти, элнинг дуоси туфайлигина мурасар бўлиш мумкин.

ЁРҚИН ОДИМЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтсак: "Олимпик Аллоҳ нуруни солган улғу бир мартаба. Бу мартабадан жамиятнинг бутун вужудига нур, зиё тарқалади. Олимпларнинг суҳбатидан инсон ўзига беқиёс маънавий бойлик олади, қалб кенгликларини, тафаккур теранлигини ҳис қилади..."

Дарҳақиқат, академик Оқил Салимов техника фанининг ўзбек миллий механика йўналишига 75 йилдан буён ҳисса қўшиб келаётган бузрук олим, жамоат ва давлат арбобидир.

Мен домла ҳақидаги айрим хотираларимни баён қилиш ҳамда мўътабар устозга бўлган самимий қалб изҳорларимни баён этишни бурчим деб ҳисоблайман. Чунки 1970 йиллар бошларида, мен "Партия турмуши" журналида ишлаган кезлар, домла марказий бошқарувга қақриб: "Республика аҳолисида кўплат хатлар келади, уларнинг мазмунини русчага ағдаринг", — дея топшириқ берадилар.

Орадан маълум вақтлар ўтди. Ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмига келиб, юртимизда "ўзбеклар иши", "пахта иши" деган бало-қазолар бошланган, халқимиз, айниқса, кўплат раҳбарлар таъна тошлари, турфа бўхтонлар ила сиқувга олинган, айримлари қамалган пайтлар...

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

"Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятида амалга оширилган ишлар таҳлили, келгусидаги муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида қиймати 2 миллиард 700 миллион доллар, қуввати 300 минг тонна мис катодидан иборат бўлган янги металлургия мажмуасини барпо этиш бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан.

2026 йил 5 январь. ОКМК Марказий аппаратида комбинатда 2025 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2026 йилда бажариладиган устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ОКМК бошқарув раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдулла Хурсанов жамоани янги 2026 йил билан қўллаб, ўтган йилда эришилган қувончли натижалар билан табриклади.

2025 йилда комбинат меҳнат жамоаси томонидан барча белгилан-

ган ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқори даражада урдалангани эътироф этилди. Хусусан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 51 триллион сумдан ошиб, режа 119 фоизга бажарилди. Агар ўтган тўққиз йиллик давр билан солиштирилганда бўлса, 2025 йилда 2016 йилга нисбатан мис ишлаб чиқариш ҳажми 140 фоизга ошганини кўриш мумкин.

Комбинат бошқаруви раиси А.Хурсанов белгиланган вазифалар ижроси баробарида комбинатда инвестиция лойиҳаларининг ҳам жадал суръатларда амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Акциядорлик жамиятининг 3-мис йилги мажлисида 2025 йилнинг 27 март куни биринчи концентрат олиниб, мазкур фабриканинг 1-линияси ишга туширилди. Бугунги кунда мис концентрати мис эритиш заводида етказиб берилмоқда.

НУҚТАИ НАЗАР

Матбуотда, ижтимоий тармоқларда бот-бот "фуқаро" сўзи "қашшоқ эл", "фақир одамлар" дегани, у "гражданин" тушунчасини мутлақо ифода қилмайди, ўрнига бошқа сўз топаёлик, деган таклиф айтиб келинади.

Луғавий жиҳатдан, бу гап тўғри. Аммо бизда шу сўз зиммасига айни тушунча юкланган, одамлар кўниккан десангиз, орадан тўрт-беш йил ўтиб, янги авлод билимдонлари етишиб чиқади-да, бояги савол яна қўйила беради.

ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИМИЗ...

("Фуқаро" сўзининг ўрнига маъноси аниқ ва мазмунли эзгу бўлган бошқа бир атама билан алмаштиришни таклиф қиламан!)

Аслида, ўзбек тилида "фуқаро" атамаси яқинда пайдо бўлган эмас, Юз эллик-икки юз йил аввал ҳам граждон маъносиде ишлатилган: "Азизбек... қамалишининг иккинчи куни ўрда томига чиқти, энг кейинги, ҳам энг пастарин чорани кўрмакчи эди бу хоқон. Бошлаб фуқарога салом берди, сўнгра синиқ ва ожиз қолган бир товуш билан халққа узр айтди: — Энди ўзимнинг қилмишларимдан пушаймон бўлдим... Мен сизларнинг қилган яхшилиқларингизни унутқан эканман... Сизлар ўзларингизнинг бу ишларингиз билан маним кеткан ақлимни яна миямга ўрнатдингиз... Раҳмат, фуқаро... Гуноҳимни кечирингиз, қилмишларимдан пушаймон бўлдим, фуқаро!" (А.Қодирий. "Ўткан кунлар"). Қўрамазми, уни кимдир яқинда топиб, ноқўя қўллаган ва шу атама оммалашиб кетган экан, деб ўйлаган киши янглишади.

ШАРҲ

НОТИНЧ ОЛАМНИНГ РАНГЛИ МАНЗАРАЛАРИ...



ВЕНЕСУЭЛА ДАРСИ...

3 январь тарих дарслиқларига АҚШ бутун дунёга чегаралар ва суверенитет энди мутлақ ҳимоя эмаслигини кўрсатган кун бўлиб кирса ажаб эмас. АҚШ махсус кучларининг авиация кўмағидаги чақмоқ тезлигидаги зарбаси натижасида Венесуэла президенти Каракасдаги қароргоҳидан ўғирлаб кетилди.

Нью-Йоркка олиб келинган Мадурога нисбатан "наркотеррорчилик", қурол сақлаш ва Венесуэла дипломатик паспорт-

лари савдоси бўйича расмий айбловлар қўйилди. У илгари АҚШда террорчи деб эълон қилинган "Cartel de los Soles" жиноий гуруҳига раҳбарлик қилганлиқда, шунингдек, рафиқаси, ўғли ва сафдошлари билан бирга кокаин ишлаб чиқариш ва ташиш билан шуғулланувчи Колумбия гуруҳлари билан тил бириктирганлиқда айбланмоқда.



ЭНГ ОЛИЙ ВАЗИФА – ВАТАН МАНФААТИ

1-6.

“Бугунги кунда жамиятимизда турли хил фикр ва қарашлар бўлиши табиий. Бу – демократиянинг биринчи талаби. Аммо миллати, тили ва динидан қатъи назар, бутун эл-юртимизни бирлаштирадиган улуг бир ғоя бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаати, халқимиз манфаатидир.”

Албатта, буни ҳаёт дейдилар. Кимдир, эҳтимол, нималардандир норозидир, кимдир қайсидир фикрларга қўшилмас. Лекин Ватан, эл-юрт манфаатига хизмат қилиш ва қонунга итоат этиш шарт бўлиши лозим. Шу маънода Ўртбошимиз она дёғримизда таълим, соғлиқни сақлаш, экологик муаммолар ечимини топиш, ислохотларни қамайтириш, камбағалликни янада пасайтириш, ёшларни касб-хўнарга жалб этиш, замонавий технологиялар, сунъий интеллект каби йўналишлардан самарали фойдаланиш, бу борада қўшимча рағбатлантириш чора-тадбирларни йўлга қўйиш ва бошқа кўпдан-кўп соҳалардаги муаммолар, уларнинг ечими юзасидан аниқ вазифаларни ўртага ташлади.

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номланишида ҳам жуда катта маъно ва мазмун, улуг мақсадлар мужассам. Зеро, маҳаллаларимиз ривож топсагина жамиятимиз юксалади. “Шунинг учун ҳам жорий йилдан бошлаб маҳалла инфраструктурасини ривожлантириш учун 20 триллион сўмини вилоятларнинг ўзига берамиз. Эна муҳими, бу маблағларнинг ҳар бир сўми аҳолининг учун қўшилган қиймат яратиши зарур. Шу боис бу пуллар умуман қайсидир тўғридан тўғридан эмас, балки маҳаллада иш ўринларини яратадиган, аҳолини даромадли қиладиган аниқ лойиҳаларга йўналтирилади”, – дейилди Мурожаатномада.

Бундай катта маблағлар маҳаллаларимизга кириб бораётган экан, жуда кўпдан-кўп бугуннинг муаммолари ўз ечимини топишига шубҳа йўқ.

Ўртбошимиз катта шаҳарларимиздаги тирбандликларнинг олдини олиш, транспорт ҳаракатини интеллектуал светофорлар орқали бошқариш жорий этилиши, “яшил макон” лойиҳаси асосида ҳар бир ҳудудларда амалий ишларнинг рўёбга чиқарилиши, хусусан, ботаника ва дендрология боғлари, соя-саққин ҳудудларнинг кўпайтирилишига алоҳида эътибор қаратгани янада қувончлидир. “Пойтахт Тошкентнинг ҳар бир кўчасида ариқлар бўлиши, унда тоза ва мусоффо сувларнинг оқибати”ни тасаввур қилишнинг ўзи нақадар ёқимлидир.

Албатта, одамларнинг эртанги кунга ишончи, умиди адолатли жамият барпо этилишида, инсон ҳақ-хуқуқларининг муқаддас деб билинишидадир. Тан олиш керак,

бугун бу борада муаммолар йўқ эмас. Лекин 9 йил аввал мамлакатда прокуратура, ички ишлар идораси ёки судга иши тушган киши борки, осонликча ўзининг ҳақлигини исботлай олмаган. Шунинг учун ҳам судларга оширилган ишлар ҳаммаша “айбдорлик” тамғаси билан аяқ топган. Ҳеч кимга оқлов ҳукми чиқарилмаслиги ёлғонмиди ё? Ўтган 9 йил давомида ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам анчагина ихобий қадамлар ташлангани сир эмас. Минглаб юртдошларимиз суд залидан оқланиб чиқаётгани шундан. Аммо келгуси йилларда бу борада янада самарали ишлар рўёбга чиқарилиши зарур эканлиги ўта долзарбдир.

“Биз оид судлов жараёнини “рақамли суд” концепцияси асосида ташкил этишни бошладик. Энди терговчи ҳам рақамлаштириш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимоясини қучайтирамиз. Бунда жиноят ҳақидаги аризани қабул қилишдан бошлаб, ишни судга ўтказишга бўлган босқичларга сунъий интеллект технологиялари жорий этилади ва инсон омили қисқартирилади”.

Ана шу асосда бугун жамиятда коррупцияга йўл қўйиш ислохотларимизга хиёнатдир, дейилди. Шунинг учун ҳам бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қилинди. “Лаёзими, уновим бор, менга ҳеч ким тегмайди, деганлар адашади. Қонун олдида ҳамма тенг!” Бундай қатъий талаб мамлакат раҳбари томонидан қўндаланг қўйилганининг ўзи жуда кўп нарсаларни англайди. Адолат ва ҳақиқатга ишонч ва умидни янада мустаҳкамлайди.

Президентимиз сунъий йўлдош орқали ўзбек ватандошимизнинг космосга парвоз қилишига доир амалий ишларнинг бошлангани, шу билан бирга янги самолётларимиз учун учувчилар, уларга техник хизмат кўрсатувчилар, аэропортлар учун сервис ва бошқарув соҳасида малякали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Фуқаро авиацияси университетини ташкил этиш бора-сидиги муҳдаларни эълон қилганида барча юртдошларимиз қувончдан бир қалқиб тушгани, севинчини таърифлашнинг ўзи бўлмайди.

Умуман олганда, Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси 6 та устувор йўналишни ўз ичига олди. Уларнинг ҳар бири ҳақида узоқ мулоҳаза юритиш мумкин. Энг муҳими, бу йўналишлар Янги Ўзбекистоннинг бугуни ва янги келажagini белгилаб берувчи ёрқин дастур, нури йўланма бўлди, десак, хато бўлмас.

Абдирасул ПАРДАЕВ,
журналист.

МУТОЛАА

ЛИДЕР БЎЛИШ — ҚЎЛИНГИЗДА!

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасановнинг “Лидерлар китоби” асарини ўқий бошлаганимда ҳайратим ошди. Қойил, китоб шу қадар халқома ёзилганки, уни ўқиган сари мутлоаа денгизига шўнғиб кетганингизни билмай қоласиз.

“Ҳамма ўқиши шарт” деб аталган мақолада фикрлар лўнда, содда ва тиниқ баён этилган. Айрим китобларни ўқисангиз, зероки, уйқунгиз келади. Йўқ, “Лидерлар китоби” эса борган сари сизни сергак торттиради. Ҳар бир мавзу охирида “Қайлар учун” деган бўлимча бор. Унда “Мен нимани тушундим?”, “Менга ёқди” ва “Хулоса” деган сўровлар бор.

Китобдаги қизиқ Ҳаномалар, ривоятлар, латифалар, мантикий жумбоқлар бамисоли оҳанрабодек ўзига тортади. Беихтиёр лидер деганда раҳбар, бошқарувчи деган тушунчалар ёдга келади. Асло ундай эмас. Раҳбарнинг маънавий қиёфаси, унинг жамоадаги ўрни ҳақида психологик руҳдаги китоблар кўп чиққан. Лидер амалдор бўлишнинг мумкин, раҳбар ва етакчилик бир-биридан фарқ қилиб, етакчилик — бу қўлчилик эмас, балки бир шахс ёки шахслар гуруҳини ифодалайдиган, юқоридан паства йўналтириладиган хусусиятга эга бўлган ҳокимият қўринишларидан биридир. “Етачки” (“Лидер”) сўзи инглиз тилидаги “Leader” сўзининг таржимаси — “етачки, бошчилик қилувчи” маъноларини беради. Лидер гуруҳдаги фаоллиги сабаб, ҳокимият йўқлиги учун раҳбардан фарқ қилса-да, етакчига айланади. Машҳур олим, академик Владимир Квинтинг ёзишича, “етачки маълум маънода стратегияни жонлантирувчи шахсдир”. Отабек Ҳасанов лидерлигининг ўзига хос жиҳатларига дунё олимлари билдирган фикрларни таққослайди.

Ушбу китобда “Лидерлар” телеграм каналининг “7 саволга 7 жавоб” руқни орқали бериб берилган савол-жавоблар қўринишидаги аҳолий суҳбатлар матни келтирилган.

Фикрни баён этишда аниқ савол қўйиш ва унга мос жавобни ифода этиш китобхон учун энг қулай ва мўлжалга етиб борадиган шакл ҳисобланади. Масалан, ушбу бобдаги еттинчи саволни ўқийлик.

“Отабек ака, бу жудаям кўпчиликни қизиқтиради, яъни сизни танимаганлар, билмаганлар сиз ҳақингизда яқинроқ билишни хоҳлайди. Ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот берсангиз, хоббиларингиз, қизиқишларингиз...”

Жавоб қуйидагича: “Хоббим — спорт. Ҳар бир раҳбарда бугун яхши кўрган спорт тури бўлиши керак, яъни руҳий босим-стрессни ечиш учун. Бугун иш жуда кўп, масъулият катта раҳбарларимизда. Мен бугун ҳақиқий ватанпарвар раҳбарларни кўриб турибман, керак бўлса, 24 соат ишлаётганларини ҳам биламан.

Ҳар бир раҳбарда стрессни тарқатадиган, чарқоқларни ёздадиган омилар бўлиши керак, лекин бу спиритли ичимлик ёки уйин-кулги эмас.

Спорт керак ва шарт бизга бугун, ҳар бир инсонга! Нега, биласизми? Руҳан ва жисмон саломатлигини мустаҳкамлаш учун. Биз Академия ўйингоҳида ҳафтада бир-икки марта футбол ўйини ташкил этамиз. Яқинда кунга катта теннис ўйнашга ҳаракат қиламан. Шунингдек, дам олиш қўлларни кўп-



роқ оиламга вақт ажратишга, фарзандларим билан суҳбатлашиш, театрға, кутубхонага боришга ҳаракат қиламан. Оила — муқаддас. Келажак учун уйимда икки нафар лидер (фарзандларим) тарбиялаяман. Агар телеграмдаги каналимга эътибор қаратай, ёнимда турган кичик лидерларимга аҳамият бермасам, бу менинг энг катта хато бўлади.

Биласизми, лидерда шавқ бўлиши керак, сиз ҳамма нарсани иштиёқ билан қилишингиз керак, футбол ўйнайсангиз, унда иштиёқ билан футбол ўйнанг. Ўйда баъзида таом пишириб тураман, албатта, иштиёқ билан. Эрақ кишиларнинг овқати нима учун овқат қилинганда ширин чиқади? Сабаби овқат тайёрлаш — аёл кишининг қўндалик иши, қолаверса, у бир вақтнинг ўзиде уч-тўртта юмушни бажаради, эрақ киши таом пишираётганда эътибори фақат шу ишда бўлади, иштиёқ билан тайёрлайди ва натижада овқати ширин чиқади. Ишонадаям бугун мен шу ишни сифатли бажараман, деган кайфиятда ишлаш керак.

Генри Форд айтганидай, “Ҳар кун ишга хурсанд бўлиб келадиган ва уйига шошил-либ, хурсанд бўлиб кетадиган инсон энг бахтли инсондир”.

Қолаверса, саломатлигингиз жойида бўлсагина, ҳаммаси яхши бўлади. Сиз фақатгина ақлий эмас, жисмоний ҳам бақувват бўлишингиз керак. Тасаввур қилинг, сиз ақлан салохиятисиз, кунига ўнталаб китоб ўқийсиз, лекин соғлом эмассиз, кўринишингиз нимхон, демак, сиз лидер эмассиз. Лидер ҳам жисмонан, ҳам ақлан, ҳам маънан бақувват бўлиши керак. Ҳақиқий лидер бўлиш эса, албатта, ўз қўлингизда, ҳаммаси ўзингизга боғлиқ.

Муаллифининг ўзига хослиги шундаки, у китобхоннинг рўпарасида тургандек фикрлайди ва суҳбатдошини мулоҳаза юритишга, мантикий силсилага қўшилишга ундайди. Ўқувчи беихтиёр “Ҳақиқатдан ҳам шундай!” деб юбюрганни билмай қолади.

Бошқа болларни ўқиганингиз сайин муаллифининг янги қирраларини кашф этасиз. Ҳаётда қўл инсон бўлиш учун одам бола-синд нимадан талаб қилинади? Умуман, бу дунёда қўл инсон бўлиш учун керак? Бу йўлда инсон учун китобнинг ўрни қандай? “Лидерлар китоби”да шу саволларга ҳаётий мисоллар орқали жавоб оласиз.

Қўтилмаган саволлар китобхонни қизиқтириб қўяди. Айтайлик, тўртинчи суҳбатда мана бу саволга назар ташланг: “Нима учун кўп нарсани биламиз-у, лекин амалга оширишга келганда қўқамиз ёки қийналамиз?”

Жавобни ўқиймиз: “Бу ҳол фақат бизда эмас, бутун дунёда бўлаётган муаммодир. Машҳур университетларда ҳам иқтисодиётдан дарс беради ёки тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш бўйича дарс беради, лекин шу одамнинг ўзининг иқтимоий ва иқтисодий ҳолати ўртача, яъни шунча қўнун-қўндаларни, назарияларни билади-ю, нега ўзи миллионер эмас? Биласизми, бунинг психологик тарафини ҳам инобатга олиш керак. Масалан, мен баъзи бир инсонларни биламан. Инглиз тили грамматикасидан 100дан 95 олади, уч мингдан ортиқ сўз билади, лекин инглиз тилида хориқлик инсон билан 5 дақиқа ҳам гаплаша олмайд. Сабаби, унда кўрқув бор, тортинччилик бор. Ёки яна битта мисол: баъзи бир дўстларимнинг машина ҳайдаш учун гувоҳномаси бор, уйда автомулоҳаза юритиб кўрсангиз, кўп нарсга ютасиз. Мана, Отабек Ҳасановга отаси айтган ўғитлари:

Китобнинг “Чет элда нималарни кўрдинг?” сарлавҳаси мақоласи янада диққатга сазовордир. Ер кўрасининг бошқа жойларидеги одамлар ҳаёти тасаввуримизни ўзгартиради.

Сиз ҳаётингиз даврида отангиз ўғитларини эслайсизми? Агар дўппини ерга қўйиб, ота-она сизга қилган насиҳатлар ҳақида мулоҳаза юритиб кўрсангиз, кўп нарсга ютасиз. Мана, Отабек Ҳасановга отаси айтган ўғитлари:

“Кам гапириб кўп эшит, китобни сев, ўқи, хулоса чиқар, рисола қил! Олимларни, устозларни билдириш ҳўрмат қил, эъзозла. Уларга ишон, ардоқла, чунки улар сени саводга, бахт ва қўлчилик етаклайди.”

Болам, агар бир иш учун раҳбариятдан мақтов эшитсан, бу жамоанинг меҳнатини дегин, бу жуда муҳим. Агар бирор-бир иш учун танбех эшитсан, бу менинг хатоим дейишни билгин. Шундангина сенинг ёнида яхши ва фидойи инсонлар йўғлади”.

Қанчалар ҳаётий гаплар. Китобнинг бешинчи бўлимида инсоният алломалари, донишмандлари айтиб қолдирган бебаҳо айтимларни саралаб келтиради. Донулар фикрлари китобга ўзгача безак бахш этган.

Китобда Эзоп масаллари, ҳаётий ҳаномалар, Ўткир Хошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар”и, иқтимоий тармоқлардан олинган қизиқарли хикоялар, машҳур зотлар сабоқлари ҳам ўрин олган.

Қўпинча бир китоб ўқиганда, келган жойига хатчўп қўйиш одатимиз бўлган. Айрим ҳолларда детектив асар бўлса, уйқуқсиз туналар ҳисобига тугатиб қўйишни маъқул кўрамыз. Отабек Ҳасановнинг “Лидерлар китоби”нинг ҳар бобини ўқигандан кейин уй-ҳаёлларга берилиб, ёзилган сатрларни ҳазм қилсангиз, хато бўлмайди.

Шўхрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

1-6.

Қизиқ, мамлакат аҳолисини ташкил этадиган одамлар бошқа кўп тилларда ҳам “нотўғри” номланган. Масалан, русча “гражданин” (гражданин, гражданин, гражданица) — шаҳарлик дегани. У “град” (город) сўзидан олинган. Инглиз тилидаги фуқаро “ситизен” (citizen) ҳам, немисларнинг “бюргер” (bürger), фаранглarning “ситоен” (citoyen), испанларнинг “сиудадано” (ciudadano)си ҳам “шаҳарлик” маъносиде асли. Эрон (форсий) ва Покистон (урду)да ҳам бу тушунча шаҳарга боғланган, “шаҳриванд” дейишади. Бунга эса қадимда шаҳар-давлатлар бўлгани сабаб, Шаҳардан ташқаридаги жойлар давлатга қарамаган.

Бугун эса Сингапур ва Монакони ҳисобга олмасак, шаҳар-давлат дунёда йўқ. Шунинг учун ҳам шаҳар одамларининг фуқаро деб ҳисоблаш мумкин эмас. Худди шу маънода “гражданин” сўзи эскирди.

“Фуқаро” сўзи ҳам фойдаланишга яроқсиз. Уни биздан ташқари фақат уйғурлар “пуқаро” шаклида қўллайди. Бу араб сўзи арабларнинг ўзиде ҳам “гражданин” маъносиде ишлатилмайди. Биз уларнинг тилини ўзларидан яхшироқ биламиз, шекилли, уларда йўқ маъноларда ҳам ишлатаверамиз.

Араб лисониде гражданин атамаси “муваттан” дейилади. Яъни, ватан эгаси, ватанли киши. Мазмуни тўғри келима. “Гражданин”ни ватан сўзига боғлаб қўллаш араблардан ташқари туркларда, озарбайжон ва қўмиқларда бор. Уларда “фуқаро”ни “ватандош” дейдилар.

Бу сўз (гражданин)и қозоқлар “азамат”, қирғизлар эса “жаран” деб алмаштиришди. Туркий тиллар атамачилигида муайян мушарақликка интилмас-де, ўзбек тилида азамат ёки ёрон келималарини термин сифатида қўллаш амримаҳол. Чунки биз “азамат”ни паҳлавон, “жаран” (ёрон)ни эса “қадрдон дўстлар” маъносиде ишлатамиз. Сўзларни атама қилиб олганда уларга тескари маъно сингдирмаган маъқул.

“Фуқаро” (қашшоқлар) сўзида ана шундай бошқа, одамнинг орини келтирадиган маъно бор. Башарти араблар “фақир”, ё “фуқаро” сўзини “гражданин” маъносиде истифода қилганларида, бошқа гап эди, уларга “ўзгартиринлар” дейишнинг ҳам иложи йўқ. Грамматик жи-

ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИМИЗ... (“Фуқаро” сўзининг ўрнига маъноси аниқ ва мазмунли эзгу бўлган бошқа бир атама билан алмаштиришни таклиф қиламан!)

хатдан ҳам, бир кишини “фуқаро” (қашшоқлар) дейиш қўлгили, чунки бирликда бу келима “фақир” шаклини олади.

Ақсар туркий халқларда атамалар борасида аниқланиш кўп. Масалан, январдан декабргача барча ойлар номини аниқлашган, асли туркона ёки асллар давомида айтиб келинган номларни яна тиклашган, биз эса ҳамон “шошмасдан, чуқур ўйлаш” тарафдоримиз, “етти улмаб бир кесиб — доно халқимизнинг фазилати”, деб ўзимизни ифтихорчи қилибмиз.

Биз ўзимизни “фақирлар” деб атамайлик. “Ўзбек” сўзининг иккинчи қисми, шубҳасиз, “бек” бўлса-ю, бек қашшоқ бўлса? Чунки исм — тилсим, у тақдирга таъсир қилади. Бу ҳақда ҳа-дисларда ҳам келган:

“Хўзн (ғам) деган исм ҳақида Ибн ал-Мусайёб отасидан нақл қиладики, отаси Жаноб Расулulloхнинг хўзурига борганида ул зот: “Исминг недур?” — деб сўрабди. Отаси “Исминг Хўзн (ғам)” дебди. Жаноб Расулulloх: “Сенинг исминг Саҳл (яъни, Шодмон) бўлсин!” — деб айтибди. Отаси: “Отам қўйган исмини ўзгартира олмасман!” — дебди.

Ибн ал-Мусайёб: “Шу-шу бўлди-ю, бошимиздан ғам аримай қолди”, — дейди.”

(Абу Абдуллох Мўхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис 4. Жомъул саҳих. Қўмуслар бош тахририяти, Тошкент — 1992, 132- бет).

“Ўткан кунлар” романида тасвирланган замонда эл ўттиз икки тангадан солиқ тўлашга қўрби етмайдиган фуқаро — фақирлардан иборат эди, шунинг учун кишига оғир ботмайди. Бироқ шу нарсга аниқки, кишилар болага исм қўйганида ёки бирон нарсани номлаганида дилидаги орзусини ифода-

лайди: ўғлини Бахтиёр деб қақиради, дўконини “Файз” деб номлайди ва ҳоказо. Шундай экан, исм эзгу, ном яхши, атама аниқ бўлсин, ихобий маънони акс эттирсин. Шу маънода, қозоқнинг “азамат”и, қирғизнинг “ёрон”и анча яхши атама, биздаги каби бўлганида, гражданин сўзи уларда “кедей” ёки “жақир” деб номланар эди.

Мен шу маънода фуқаро (гражданин) сўзини бошқа, маъноси аниқ ва мазмунли эзгу бўлган бир атама билан алмаштиришни таклиф этмоқчи эдим.

ЎзФанинг Тил ва адабиёт институтида кўп йиллар бирга ишлашган Неъмат ака Мақамов тўқсонинчи йиллар бошида бир муддат Афғонистонда хизмат қилиб қайтганди. Биласиз, ў юрда ўзбеклар бир неча миллион нафар, Ўзбекистондан ташқарида энг кўп ўзбек Афғонистонда. Хуллас, ўша ерда бир ўзбек чол бор экан, ҳар замонда бир келиб, булар билан гаплашиб, она юрти хуморини босиб кетар экан. Неъмат акани ҳар кўрганда “Ватандор” деб атар, умр бўйи Ўзбекистонга бир келиб кетиш нияти билан яшар экан...

Раҳматли Неъмат акадан менга ана шу “ватандор” деган сўз ёдгорлик бўлиб қолди.

Бу сўз “ватандош”га ўхшайди. Аммо ватандор — ватанига эга, ватани бор, дегани. Ватани йўқларнинг армони бу келима.

Бу лексемани ўзбек тилининг бирон луғатидан топа олмайсиз. Бошқа туркий тилларда ҳам, ҳатто қиқшига кўра асос бўлган араб тилида ҳам йўқ.

Қарангки, ахборот қайнаган ҳозирги замонда битта фикрни бир-биридан беҳабар ҳолда бир неча одам айтиши оддий ҳол бўлиб қолди. Мен

бу мақолани тугаллагач, шунга яқин гапларни излаб интернетни титкилаб, Фарҳод Абдурахмон деган кишининг қуйидаги мулоҳазасига дуч келдим:

“Мен тилшунос эмасман ва шунинг учун қатъий бир фикр билдира олмасам керак, аммо айрим мулоҳазаларимни ёзмақчиман, — дейди у. — “Ватандош” сўзидеги “-дош” қўшимчаси айни ўринда бири бошқасига нисбатан деган маънони билдирса керак. Яна “дош” мустақил сўз бўлиб ҳам айрим маъноларини англайди бу бу ҳақда “Ўзбек тилининг изохли луғати”дан ўқиб билиб олишингиз мумкин. Демак, “ватандош” сўзини мен бошқа бир Ўзбекистонликка нисбатан ишлатишим мумкин. “-Дош” қўшимчаси билан тугаган кўпалаб сўзлар ҳам кўпинча айни маънода келади. Масалан, “синфдош”, “маҳалладош”, “сирдош”, “курсдош”, “фидардош”, “касбдош”, “хонадош”, “қариндош”, “кундош” каби. Шунинг учун ватандош сўзи ўрнига “ватандор” ёки “юртдор” сўзи ишлатилса ёки фуқаро ўрнига ушбу сўзлардан бири қабул қилинса мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Ҳали талабалик йилларимда фуқаро сўзи қабул қилинмасдан олдин бахсларда мен “ватандор” ёки “заминдор” сўзини қабул қилиш ҳақида айтганман. Шунда “дор” форсчадан келган қўшимча деб айрим тилшунос олимлар қаршилик кўрсатганлар. Агар бундай десак, “Ватан” сўзи ҳам араб тилидан кириб келган. “-дор” эгалик маъносини билдиради. Масалан, “мулкдор”, “ҳақдор”. Ўртдор ёки ватандор десак, муайян бир мамлакатнинг эгаси, вакили, шу юртга мансублигини, тегишлилигини кўрсатади. Яна буни профес-



сионаллар шошмасдан муҳоказега этсалар яхши бўларди...”

Ватандор, Ватандош, Юртдош... Бу атама-ларни ўйлаб кўриш вақти етди.

Тўғри, “фуқаро” сўзи Конституцияда, барча қонунларда, расмий ҳужжатларимизда сифатида қўлланган, уларнинг барини алмаштириш осон эмас. Бироқ шундай ҳолатлар ҳам бўладики, моддий ва бошқа мулоҳазаларни четга суриб, миллат ўз иродасини амалга оши-ради.

Сирасини айтганда, юқоридеги фикрларимиз — бир мулоҳаза, таклиф. Бу борада етти марта эмас, керак бўлса, етмиш марта ўйлаб иш тутишмоғи тайин. “Ватандор” атамасига келсак, мантиқан мос келар, аммо бу сўздан ҳам муносиброқ, дилга яқин, юракка яқин, ҳар томонлама тўқис сўзни топиш керак, назаримизда. Тарихий атамаларни, улуг боболаримиз қолдирган боб меросни, жаҳид боболаримиз битган китобларни, умуман, ўзлигимизга оид манбаларни синчковлик ила ўрганиш тақозо қилади. Қолаверса, халқдан донишманди йўқ. Шу боис бу масалада элдошларимизнинг фикрини, таклифларини олиш жоиздир.

Зухриддин ИСОМИДИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



Мен ана шу вақтда, яъни Москвада ишлаб юрган кезларимда тақдир тақозоси билан Тошкентдан Москвага самолётда устоз билан бирга учдик. Имкон топиб, “ички кузатув”даги Оқил Умурзоқович Салимов ёнига ўтирдим.

Сўхбатимиз маҳзунлик билан кечди. Домла аввал Ўзбекистон Компартияси Марказкомда бўлим бошлиғи, сўнгра мафкура бўйича котиб бўлиб ишлаган пайтлари эди. Бу вақтда устозга ҳам ҳар хил тухматлар уюштирилганди. Оқил ака бу ҳақда жуда кўп, аниқ далиллари айтиб берганларини ҳамон эслайман. “Мен Худога шукр қиламан. У ерда (Москвадаги жазони ижро этиш махсус ҳибсонасида) мени яқинларим, ўқиту биродарларим ёлғизлашиб қўйишмади. Нафақат Ўзбекистон, балки қўшни республикалардан айрим содиқ оғайниларим хабар олиб туришди. Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ректор бўлган пайтимда қамоққа олинган эдим. Ҳақиқий инсонийликни, меҳроқибатни, одамгарчиликни киши бошига ташвиш тушганда билар экан. Ана шундай оғир пайтларда ҳаракатчан, ўта очиқ ва беназир инсон, Шавкат Мирзиёевнинг доимий эътиборини унутмайман. У киши мендан шундай пайтда ҳам воз кечмади, аксинча, имкон топиб, қўллаб-қувватлаб турган...”

Ўзбек миллий олий таълимини жаҳон андозаларига олиб чиқишда катта жасорат ва матонат кўрсатган яна шундай содиқ шоғирдларидан бири Ўқтам Умурзоқов Оқил Салимов ҳақида шундай деган эди: “У ақлан иқтидорли, зийрак, табиатан қалби дарё ва дилбар инсон. Кимнингдир сўзи ёки қилган иши кўнглига оғир ботса-да, асло сездирмайди, тезда унутиб юборади. Шу боис бўлса керак, у кишининг ҳаётий фалсафаси: инсонларни қадрлаш, уларга қўлдан келганча яхшилик қилиб, ёрдам беришдир”.

Ҳа, давлат ва жамоат арбоби, устоз Оқил ака Салимов – нафақат Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги фанлари академияси аъзоси, айна чоғда Олий мактаб халқро фанлар академияси ва Нью-Йорк фанлар академиясининг ҳам академигидир. Устоз, шунингдек, Олий мактаб халқро фанлар академиясининг Ўзбекистон бўлими Президенти ҳамда Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Мирзо Улугбек номидаги жамоат фондининг васийлик кенгаши раиси ҳисобланади.

Оқил ака давлат ва жамоат ишларидаги кўп йиллик хизматлари ҳамда таълим тизимидаги самарали фаолияти билан юртимиз илм-фани ва маърифати тараққиётига муносиб ҳисса қўшган йирик давлат ва фан арбобидир. Устознинг нафақат арбоб ва олим, балки ёшлар мурабийси ва истеъдодлар ҳомиеси сифатида амалга оширган бекиёс эзгу ишлари ҳам таҳсинга сазовор.

Оқил Умрзоқовичнинг яна бир хусусиятлари борки, бу ижодкорлик фазилатидир. Кейинги йилларда домланинг қаламига мансуб “Саодат йўли”, “Ёшларга донолар ўғити”, “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари”, “Дўстлик ҳамаси”, “Ақл инновацияси”, “Янги Ўзбекистон давлати” каби бир қатор оммавий-сиёсий ва илмий-маърифий асарлари нашр этилди.

Шу ўринда бир аччиқ ҳақиқатни такрор айтиб ўтишни лозим деб биламан. Оқил Салимовнинг ҳам жуда кўплар қатори бир пайтлар ўзи эътиқод қўйган, аммо саробга айланган тузум бадном қилишга уриниб кўрди! Лекин унинг ҳалоллиги, оқил ва одиллиги олдига туҳмату игволар фош бўлди. Устозимизни Истиқлол ардоқлади, маъмурий ва маънавий жиҳатдан барча нуфузини қайтарди.

Азалдан халқ ва жамоатга фидо-корона хизмат қилиб, эял юртада юксак обрў-эътибор ва нуфузга эришган кишилар пири бадавлат ва пири бузрук деб улуғланади.

Ҳаётда шундай мўътабар одамлар бор: улар мазмунли ва ибратли фаолияти, қобил фарзандлари, Ватан ва халқ олдига қилган шарафли ишлари, яхши номи билан орамизда — Янги Ўзбекистон авлодлари қалбида ўрнатилган бўлмоқдалар. Оқил Салимов камтарин ва интилувчанлиги, ташаббускорлиги, зиммасидаги вазифаларга масъулият билан сидикидидан ёндашувчанлиги боис ҳам 1965-1998 йилларда

юртимиз марказий идораларига ишга тақлиф этилиб, турли масъул лавозимларда меҳнат қилди.

Етук муаллимнинг бевосита илмий раҳбарлигида 20 га яқин номзодлик, еттита докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Бу унинг илмий-назарий мушоҳадаси кенглиги, амалий фаолияти бойлигидан далолат беради. Олим ҳозиргача 10 дан ортиқ дарслик, ўқув қўлланмалар, монография, 200 дан зиёд мақола ва тезислар нашр эттириб, қўллаб-қўлланмаларга патентлар олишга муваффақ бўлган. Биргина “Янги Ўзбекистон” газетасида ўнлаб маънавий-маърифий мақолалари эълон қилинди. Ҳозирги пайтда унинг ташаббуси билан “Тараққиёт” журнали чоп этилмоқда. Журналда мамлакат миллий тараққиёти ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасида долзарб мақолалар эълон қилинмоқда.

Домла Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ректор бўлиб ишлаган 1986-1992 йилларда асосий диққат-эътиборини ўқув жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш ва илмий тадқиқотларни ривожлантиришга қаратди. Ўша йиллари унинг ўта маданиятли, қатъиятли, талаб-

чан, ўзи ва ҳамкасбларининг бажарётган ишларига масъулият билан ёндашадиган раҳбар эканлигига амин бўлганмиз. У киши ҳар қандай муаммони ҳал этишда вақтни қўзиб, ишни пайсалга солмасдан, имкони борича тез ва ижобий ҳал қилишга ҳаракат қиларди. Табиийки, бу ҳолат жамоада иш унумдорлигининг ошишига, соғлом муҳит яратилишига замин яратарди.

1994-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги лавозимиди ўзининг юксак ташаббускорлик ва ташкилотчилик ҳамда моҳир педагогик тажрибасини намоеъ этиб, олий таълим муассасаларида ёш мустақил мамлакат учун ҳар томонлама етук ва малакали мутахассис-кадрлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчиларнинг маҳоратини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратди. Олий таълим муассасаларида давлатимиз талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, янги кафедра ва мутахассисликлар ташкил этилди.

Устоз мамлакатимизнинг олий таълим ва илм-фанини ривожлантиришининг жонкуяри сифатида хорижий давлатлар билан ҳамкорликка ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда. Айтиш жоиз, устоз ҳозир ҳам Россиядаги қўллаб олий таълим муассасалари билан илмий-амалий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Улар Янги Ўзбекистонни ўзларининг ишончли ҳамкори сифатида тан олишмоқда. Чунончи, Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети (миллий тадқиқот университети), Москва автомобиль йўллари давлат техника университети, Санкт-Петербург политехника университети, Санкт-Петербург давлат электроника университети, Москва энергетика институти ва бошқа олий таълим ўчоқлари билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланишида домланинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир.

Устознинг олий таълим равнақидаги нуфузини нафақат Янги Ўзбекистонда, балки бутун дунёда эътироф этишадилар.

Очиғини айтганда, улуғ олимнинг ўта улкан фаолияти ватанпарварлик, миллатпарварликнинг ҳақиқий маънодаги кўриниши десак, тўғри бўлади. Келажаги порлоқ ёшларга ҳомийлик қиладилар. Ҳомийлик деганда, авваламбор, савоатли бўлиш, бегараз ёрдам бериш дегани. Ҳомийлик инсон қалби ва юрагидида энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодасидир. Инсонларга ўз йўлини то-



пиб олишида қўмаклашиш ва ғоявий раҳнамолик ҳам ҳомийликдир. Айниқса, ёшларга бу борада устоз бе-

давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида махсус сўхбат-машғулотлар олиб боради.

назир ҳимматга, бегараз бағрикенглик принципларига эга эканлигини қайд қилиш ўринли.

Домланинг барча хизматлари ва инсонийлик хислатлари ҳақида китоблар ёзса арзийди. Зеро, устоз ҳақида қўллаб-қўлланмалар бир қанча китоблар ёзишган.

Бир сўз билан айтганда, Аллоҳ инсонга қанча яхшилик ва самимийликни ато этган бўлса, устозда ҳаммаси мужассам. Чин инсоний меҳмурувват, камтарлик, ҳалоллик, поклик, инсофу диёнати, йимон-эътиқод, шоғирдларига меҳрибонлик, талабчанлик унинг қалбидан лиммо-лим. Ҳазрат Жалололдин Румийнинг шундай ҳикмати бор: “Яхши инсон ўзидан бахт, эзгу тажриба, хатокор инсон ўзидан дарс, аччиқ сабоқ, мукаммал инсон ўзидан яхши из қолдиради”.

Буюк Хитой файласуфи Конфуций эса юксак инсоний фазилатлар ҳамда лидерлик қобилиятига эга бўлганларни харизматик, яъни феноменал инсонлар, деб қайд қилган. Демак, теран фикр юритадиган, ҳар қандай вазиятда тўғри йўлни танлаган, яъни ўта қатъиятли, одамларни ўз ортинида эргаштира оладиган шахсларга нисбатан айрилган мафкуравий ғоя жуда ҳам камдан-кам одамларга насиб этади. Оқил ака ана шундай феноменал инсонлар тоифасидан.

“ТАҚДИРИМДАН РОЗИМАН”

Устоз Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигида бош маслаҳатчи бўлиб ишлаган пайтлари бобокалонлари генерал Жўрабек ҳақида маълумот олиш учун қабулларига бордим. Ўша пайтда вазир Рустам Қосимов (жойлари жаннатда бўлин)нинг хонасида ўтирган экан. Мен генерал Жўрабекнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапириб, устоздан қўшимча маълумотлар олдим. Шунда вазир менга қараб: “Устоз-домла Худоёроҳон чевараси Ойчуқ момонинг набираси эканлигини биласизми? Бунинг албатта эътиборда тутинг”, дедилар. Бу мен учун янгилик эди.

Маълум бўлишича, генерал Жўрабекнинг Тошкентдаги Қорасувдаги дала ховлисида Худоёроҳоннинг сарсон-саргардонликда қолиб кетган аёли Оғача ойим ва фарзандлари бир муддат яшаган. Мен бунинг яқинда таниқли ижодкорлар Норқо-бил Жалил ва Рўзимбой Ҳасаннинг “Генерал Жўрабек: давр ва қисмат” китобидан ҳам билиб олдим.

Улуғ устоз ҳозирги кунда ҳам тиниб-тинчимайди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

“Мен ўз тақдиримдан рози инсонман. Чунки менга ҳаммага ҳам насиб қилмайдиган тақдир насиб этди. 20 йилдан кўпроқ вақт ўзбек халқининг беназир фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов билан ишлаш бахтига муяссар бўлдим. У киши қайси лавозимда ишламасин, доимо ўзбек халқининг дарди билан, унинг келажаги ва равнақи учун қолади”.

Шароф Рашидов ҳар бир ишга юксак масъулият, тиришқоқлик, чуқур билим ва тафаккур билан ёндашиб меҳнат қиларди. Ул зот қалбининг туб-тубидан коммунистик “изм”ларни рад этар, “совет дохийлари”ни ўша замон урфича алқагани билан ҳукумат қарорларини собиқ Иттифоқ манфаатига эмас, Ўзбекистон манфаати ва халқи фаровонлиги йўлига усталик билан буриб юборар, “интизомли партия арбоби” сифатида кўринса ҳам, аслида, ўз йўлидан қолмас эди!

Дарҳақиқат, тарихни билмай туриб, бугунги кунга баҳо бериб бўлмайди. Яхши биласиз, ўша даврларда ҳар қайси иттифоқдош республика раҳбари “Марказ” чизилган чикмасдан фаолият олиб боришга мажбур эди. Шунга қарамай, Шароф Рашидов республикамиз, халқимиз равнақи учун ўзини аямасдан меҳнат қиларди. Республикаимиздаги жуда кўп иншоотлар, муҳим объектлар қурилиши айнан унинг номи билан бевосита боғлиқ эканини эл-юртимиз яхши билади. Энг муҳими, буларнинг барчаси нафақат ўша давр, балки келажакни ўйлаб, узоқни кўзлаб амалга оширилган. Бир мисол: ўша пайтларда Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод қўлларининг ўзлаштирилиши натижасида миллионлаб гектар қўриқ ерлар очилди, пахтазору бугдойзорлар, бог-роғлар барпо қилинди. Бугунги кунда бу ҳудудлар халқимизнинг фаровон ва тўкин ҳаёти учун хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга Навоий, Зарафшон, Янгйер, Гулистон каби ўнлаб шаҳарлар бунёд этилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг табиий бойлиқларини қайта ишлаш борасидаги йирик индустрияга ўша вақтлар пойдевор қўйилган, десак, хато бўлмайди.

Шароф Рашидов улкан давлат арбоби, таниқли адиб бўлишига қарамадан, ниҳоятда камтар, самимий, одамларга меҳрибон киши эди. У юртимизнинг шаҳар ва кишлоқларида, қурилиш майдонлари ва далаларда, sanoat қорхоналарида бўлиб, турли касб эгалари, оддий

одамлар билан мулоқот қилишни хуш кўрарди. Шундай сафарлар чоғида эл-юрт ҳаёти учун муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича режалар ишлаб чиқиларди.

У киши халқимизнинг оғир ва машаққатли меҳнат эвазига катта миқдорда кишлоқ хўжалик махсулотлари, жумладан, пахта, пилла, қоракўл тери отказиб бераётганини чуқур англаб, кўлидан келганча ана шу заҳматкаш одамларнинг оғирини енгил қилишга интилар эди.

Халқимиз Шароф Рашидовнинг пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг бугунги салоҳияти ва замонавий қиёфасини яратишда бекиёс хизматлари сингганини яхши билади ва юксак қадрлайди. 1966 йилги зилзила оқибатида вайрон бўлган турар-жойлар, маъмурий бинолар, қорхоналарни тиклаш, бошланасиз қолган ва яна узоқ ўлкалардан кўчиб келган одамларни уй-жой билан таъминлашнинг ўзи бўлмаган. Бугун пойтахтимиздаги метрополитен хизматидан фойдаланаётган, театрлару музейлар, санъат саройлари ё сайилгоҳларда бўлган ҳар бир инсон Шароф Рашидовнинг порлоқ хотираси олдига ҳурмат баҳо этади.

Дарвоқе, Тошкент метрополитени қурилишига собиқ Марказ дастлаб

лар билан кўп сўхбатлашганман. У ҳар доим ўзбек халқига ҳурмат билан муносабатда бўлган. Ҳайдар Алиев Шароф Рашидов билан кўп бор учрашиб, қўллаб-қўлланмаларни биргаликда ечишган. Бугун орамизда ҳаёт бўлганлар Ҳайдар Алиевнинг ҳар қандай вазиятда Ўзбекистонга ҳурмат билан муносабатда бўлганини, қўллаб-қувватлаганини айтишадилар. Бизда “ўзбек иши” юзага келган оғир йилларда Ҳайдар Алиев бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзбек халқи ҳақида ўз шахсий фикрига эга бўлган”, деган эди Шавкат Мирзиёев.

Мен Ўзбекистон Президентининг бу ҳақдаги фикрларини айтдим. Ўз навбатида Озарбайжоннинг ҳозирги етакчиси Илҳом Алиев ҳам бу фикрни тасдиқлаган ҳолда ўзининг ўсимирлик чоғларидаёқ отаси ва Шароф Рашидов ўртасида яқин дўстона муносабатлар бўлганини яхши эслашини расман айтган. “Улар ака-укалардек дўст эдилар. Қайта қуриш йилларида муайян доиралар томонидан ўзбек халқига нисбатан уюштирилган адолатсизлик отамда жуда ёмон таассурот қолдирганини эслашман”, деган эди Президент Илҳом Алиев 2019 йили Бокуда Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган учрашув чоғида.

Шу ўринда яна бир фикрни айтишни истар эдим. Ҳозир бутун инсоният мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Шундай бўлишига қарамадан, Ўзбекистон халқи ҳам, Озарбайжон халқи ҳам доимо келажакка ишонч билан қараган. Бундан кейин ҳам шундай бўлажак. Ўзбек халқининг ардоқли ва бетакрор санъаткори Шерали Жўраев ўзининг бир ашуласида қуйлаганидек, “Эгаси бор юртнинг эртаси бордир!” Ўзбекистон ҳам, Озарбайжон ҳам ўз халқларининг хоҳиш-иродаси билан сайланган давлат раҳбарлари раҳнамолигида нурли йўлда компл ишонч билан дадил ва адолатли қадамларни ташлаётганига бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди. Бу йўл — порлоқ келажак йўлидир”.

“Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев дунёнинг илғор мамлакатлари қаторидан жой олиш йўли — бу соҳада, илм-фанда, таълим тизимида ва бошқа соҳаларда кластер тизими жорий этилиши ҳисобланишини кўп бор таъкидлаб келяпти, — деган эди Оқил Салимов сўхбатларидан бирида. — Енгил sanoat, нефть-газ, кимё, биотехнология, АКТ, автомобилсозлик, транспорт логистикаси ва туристик, озиқ-овқат, таълим, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик соҳаларида кластер тизимини яратиш илмий тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини кўпайтиради, сифатини яхшилайди, албатта”.

Тарих — бу сергаклик! Кўзуга бок, ўзининг кўр! Кўзугади доғлар эса тарих сабоғи. Ўз тарихидан улғи олмаганлар эса миллат бўлолмайди. Демак, мураккаб эврилишлар силсиласида дунё саҳнада чинакам миллат иқтидори юзага келади.

Устоз Оқил Салимов “Янги Ўзбекистон давлати” китобида шундай таъкидлайди: “Давримиз шиддатли тез. Ислохотлар тобора кенг мазмун кашф этмоқда. Янги Ўзбекистон туб ўзгаришлар жараёнида бутунлай янги қиёфага эга бўлмоқда. Унинг мамлакат ички ҳаётида иқтисодий-ижтимоий қудрати, жаҳон ҳамжамиятида эса умумпланетар масалаларни ҳал этиш салоҳияти ошаб бормоқда”.

Эътибор қилинг-а, қандай юксак, тийран фикрлар! Устознинг бугунги кунда она юртимизда олиб борилаётган ислохотларга нисбатан бундай самимий фикрларини ҳар бир кексаю ёш ўқиб ўрганса, қалбига жойласа ва шу азиз Ватан учун хизмат қилишда улардан улғи олса, арзийди!

Биз шоғирдлар эса қачон, қаерда бўлмайлик, устозни бузрукворнинг Янги Ўзбекистон ривожини учун қарийб саксон йилдирки, фидойи фаолиятлари олдига ҳаммиша қарздор ва бурчлигимиз. Ўз-юртга садоқат билан хизмат қилишни ўзининг олий саодати деб билган Оқил домла-устозни чин қорақдан табриклаб, энг эзгу ниятларимизни тилаб қоламиз. Насиб этса, юз ёшга тўлганларида ҳам ана шундай эзгу тилақлар айтиш насиб этаверсин! Зеро, илм-фан, маърифат, яхшилик ва эзгулик чироғини кўтарган бундай инсонлар борлиги учун ҳам бу ҳаёт янада файзли, нурлидир.

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятида амалга оширилган ишлар таҳлили, келгусидаги муҳим вазифалар муҳокама қилинди.



1-6.

Ўтган йили комбинатга қарашли оҳак заводида битта айланма печ ҳамда мис эритиш заводининг нодир металллар ишлаб чиқариш цехида иккита айланма печ фойдаланишга топширилгани иш суръатининг сезиларли ошишига замин яратди. Бундан ташқари, янги портловчи моддалар заводи қурилиб, ишга туширилди.

2026 йилда ҳам комбинат меҳнат жамоаси томонидан барча турдаги ишлаб чиқариш вазифаларининг бажарилиши таъминланиши, жумладан, 3-мис бойитиш фабрикасининг технологик линияларини тўлиқ қувватга чиқариш, рух заводининг 6-сулфат кислота цехи ва Ковулди кони маъданларини қайта ишловчи олтин саралаш фабрикасини фойдаланишга топшириш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, янги мис эритиш заводи қурилишини жадал суръатларда бошлаш, қуввати 60 миллион тонна маъданни қайта ишлаш бўлган 4-мис бойитиш фабрикаси қурилиши давом эттирилади.

Жиззах вилоятида қуввати 737 минг тонна оҳак ишлаб чиқарадиган оҳак заводи қурилиши, “Олмалиқ кон-метал-

лургия комбинати”нинг 2-мис бойитиш фабрикасида эса маъданни қайта ишлаш қувватларини 5 миллион тоннага ошириш юмушлари бошланиши хусусида алоҳида сўз юритилди.

Комбинатда умумий ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, сунъий интеллектни бошқарув жараёнларида кенг қўллаш, замонавий технологияларни жорий қилиш муҳим вазифа сифатида белгилаб олинди. Энергия ресурсларини тежаш ва таннархни пасайтириш, экологик муҳитни янада яхшилаш каби вазифаларга ҳам алоҳида эътибор кучайтирилади.

Қўп минг сонли корхонанинг ҳар бир ишчи-ходими ўз ишига масъулият билан ёндашса, шубҳасиз, барча қўзланган натижаларга эришиш мумкин. Вазифа ана шундай белгиланди.

Йиғилишда ОКМК раҳбарияти, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва мутахассислар иштирок этди.

ОКМК матбуот хизмати.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

МУХБИРНИНГ МАҲАЛЛАДОШЛАРИГА ТУҲФАСИ

Янгибозор туманидаги Гулистон маҳалласи аҳолиси янги йилни қувончли воқеа билан қутиб олишди. “Янгибозор кўзгуси” газетасининг мухбири Шодиябону Султонова шахсий китоб фондидан таркиб топган уй кутубхонасини маҳалладошларига туҳфа қилди.



Эндиликда вилоятнинг энг чекка қишлоқларидан бирида ташкил қилинган мазкур кутубхонадан мингдан ортиқ ўзбек ҳамда жаҳон бадий адабиётлари ўрин олди. Зиё масканининг очилишида қатнашган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими раиси Дилбаржон Бекчанова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Гавҳаржон Ибодуллаева, таниқли адиб Қурбон Муҳаммадризо, “Гулистон” МФЙ раиси Пўлат Матқурбонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Шухрат Матқаримов, Болтабой Бекматов, Худойберган Шомуродов, Марямжон Бегимова ва “Гулистон” маҳалла хотин-қизлар фаоли Еркиной Матқурбова сўзга чиқиб, ташаббускор-ижодкорни қизгин табриқладилар ҳамда кутубхонага ўз муаллифлигида нашр этилган китобларидан тақдим қилишди.

Ушбу кутубхона очилишида, шунингдек, нуронийлар ва ёш китобхонлар, санъаткорлар, таълим фидойилари, туман ахборот-кутубхона маркази ходимлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

ЖУРНАЛИСТЛАР МЕҲНАТИГА МУНОСИБ ЭЪТИРОФ



Бухорода Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан илк бор “Bukhara Media Awards – 2025” тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир вилоятда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари вакилларининг касбий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, журналистика соҳасидаги масъулиятли меҳнатни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди.

Тантанали тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ахборот хизматлари раҳбарлари иштирок этди.

Унда “Йилнинг энг фаол журналисти” кўрик-танлови якунлари эълон қилиниб, турли йўналишлар бўйича энг муносиб деб топилган журналистлар тақдирланди. Жум-

ладан, босма ва электрон ОАВ, телевидение, радио, фотожурналистика ҳамда интернет журналистикаси йўналишларида фаолият олиб борган бир қатор журналистлар ғолиб сифатида эътироф этилди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Бу эътироф ижодкорларнинг ҳолислик, тезкорлик ва жамоатчилик олдидаги масъулиятини янада оширишга қаратилган муҳим рағбат сифатида баҳоланди. Шунингдек, тадбир давомида вилоятда фаолият юритаётган ташкилот ва корхоналар томонидан йил давомида муайян соҳалардаги янгиликларни тизимли ва ҳолис ёритиб келган оммавий ахборот воситалари вакиллари алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА



XalqBanki
since 1875



“Йилнинг энг яхши ёрдамчи агенти” танлови ғолиблари аниқланди

Ўтган йилнинг сўнгги кунларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан маҳаллаларда банк хизматларини кенгайтириш, аҳолининг молиявий билимларини ошириш ҳамда ёрдамчи агентлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган “Йилнинг энг яхши ёрдамчи агенти” республика кўрик-танлови ўз якунига етди.

Мамлакатимиз банк тизимида ҳам сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида “маҳаллабай” ишлаш механизми жорий этилди. Ушбу тизим орқали ҳудудий банк хизматлари марказларида махсус бўлимлар ташкил қилиниб, аҳоли билан бевосита ишлайдиган маҳалла банкилари ҳамда ёрдамчи агентлар фаолияти йўлга қўйилди. Улар маҳаллаларда тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш,

банк хизматларига бўлган қизиқишни ошириш ва фуқароларга амалий кўмак беришда муҳим вазифани бажармоқда.

Ёрдамчи агентларнинг саъй-ҳаракатларини баҳолаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва касбий ривожланишини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур танлов бир неча босқичда ўтказилди. Ҳудудий саралашларда мамлакатнинг 14 та ҳудудидаги 27 та тижорат банкидан жами 4 467 нафар ёрдамчи агент иштирок этди. Саралаш якунларига кўра, энг фаол 44 нафар иштирокчи республика босқичига йўл олди.

Финал босқичда иштирокчилар ўз иш тажрибаси, амалга оширган лойиҳалари ва ишлаб чиққан бизнес йўналишлари бўйича тақдимотлар ўтказишди. Ушбу жараёнда Халқ банки тизимида фаолият юритаётган ёрдамчи агентлар ҳам муносиб иштирок этиб, ўз та-

шаббустлари билан эътибор қозонди. Халқ банки ёрдамчи агенти Озода Мамадалиева ҳам танловда муваффақиятли иштирок этиб, республика ғолиблари қаторидан жой олди.

Тадбир иштирокчилари таъкидлаганидек, маҳалла ёрдамчи агентлари аҳоли билан банклар ўртасидаги муҳим кўприк вазифасини бажаради. Улар фуқароларнинг муаммоларини ўрганиб, ечим топишга кўмаклашади, тадбиркорлик фаолиятини бошлашга туртки беради ҳамда молиявий хизматлардан самарали фойдаланиш бўйича маслаҳат беради.

Танлов якунлари нафақат ғолиблари аниқлади, балки маҳаллаларда молиявий хизматлар сифати ошиб бораётганини, аҳоли билан ишлашда янги ёндашувлар ўз самарасини бераётганини ҳам кўрсатди. Бу эса банк тизими ва жамият ўртасидаги ҳамкорлигини янада мустақамлашга хизмат қилади.

“ХАЗНА”: қулайлик ва имкониятлар кенгаймоқда

Халқ банкининг “Хазна” мобиль иловаси мижозларга кўрсатилаётган рақамли хизматларни изчил ривожлантириб бормоқда. Иловага жорий этилаётган янги функциялар фойдаланувчиларнинг кундалик молиявий эҳтиёжларини масофадан ҳал этиш имконини кенгайтирмоқда.

Бугунги кунда “Хазна” фойдаланувчилари сони 10 миллиондан ошгани – илованинг кенг оммалашгани ва ишончли рақамли платформа айланишини кўрсатмоқда. Мазкур натижа хизматларнинг қулайлиги ҳамда фойдаланувчи эҳтиёжларига мослаштирилган ечимлар билан боғлиқ.

Иловадаги сўнгги янгиланишлар доирасида Халқ банки карталарини илова орқали ёпиш, ПИН-коди блокланган карталарни қайта фойдалаштириш, карта бўйича пул айланмалари тўғрисидаги маълумотларни юклаб олиш ва барча карталарни ягона интерфейсда назорат қилиш имкониятлари жорий этилди. Шу билан бирга, электрон ҳамён очиш ва уни блокдан чиқариш жараёнлари соддалаштирилди.

Автокредитни масофадан туриб расмийлаштириш имконини берувчи “Хазна авто” хизмати фойдаланувчилар учун яна бир амалий ечим сифатида тақдиф этилди. Маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иловага замонавий “Сессия антифрод” тизими ўрнатилиб, молиявий амалиётларни ҳимоя қилиш даражаси оширилди.

Умуман олганда, “Хазна” мобиль иловаси банк хизматларидан фойдаланишни соддалаштириб, вақтни тежашга ёрдам берадиган ҳамда ортиқча оворатарчилиқни камайтирган самарали рақамли восита сифатида ўз ўрнини мустақамламоқда.

АТ “Халқ банки” Ахборот хизмати.

Реклама ҳуқуқи асосида.
Хизматлар лицензияланган.

hazna

Tez, qulay
va ishonchli!





НОТИНЧ ОЛАМНИНГ РАНГЛИ МАНЗАРАЛАРИ...

1-6. Венесуэланинг собиқ раҳбари бу айбловларни инкор этиб, уларни “мамлакат нефть захираларига кириш учун баҳона” деб атаган.

Трамп “Венесуэлада адолатли сайловлар ўтмагунча, АҚШ мамлакатни барқарорлаштириш жараёнини бошқаради”, деб кескин таъкидлади. Лотин Америкаси учун бу Вашингтоннинг биқинидаги мамлакатлар аксилламериканча режимлар даври тугаганидан далолат берувчи сигнал бўлиб янгради.

Давлат департаменти Ғарбий ярим шарни “бизники” деб атади. “Президент Трамп бизнинг хавфсизлигимизга таҳдид солинишига йўл қўймайди”.

Ғарбий ярим шар — бу Гринвич меридианидан (0°) ғарбда ва 180° меридианидан шарқда жойлашган Ер шарининг ярмидир. Соддароқ айтганда, бу атама, асосан, Америка қитъасини ўз ичига олган дунё қисмини англатади. Шунингдек, Океания ва Антарктиданинг бир қисми қиради. Европа ва Африканинг чекка ғарбий қисмлари, яъни Исландия, Ирландия, Португалия, Марокаш ва Сенегалнинг айрим худудлари техник жиҳатдан ғарбий ярим шарда жойлашган.

Делси Родригес Венесуэланинг вақтинчалик президенти сифатида қасамёд қилди. У таниқли давлат арбоби, узоқ йиллар давомида Мадуро ҳукуматининг энг ишончли ва қудратли вакилларида бири бўлиб келган. Аъъанавий равишда АҚШ сиёсатини кескин танқид қилиб келган.

Делси Родригес 2018 йилдан буён мамлакатнинг вице-президенти лавозимида ишлаб келаётган эди. Ундан аввал Ташқи ишлар вазирини, шунингдек, мамлакатнинг энг муҳим тармоғи — нефть саноатида ҳам раҳбарлик қилган.

Унинг акиси — Хорхе Родригес, Венесуэла Миллий ассамблеяси (парламент) спикери. Улар биргаликда Мадуро маъмуриятининг энг нуфузли “оилавий блоки”ни ташкил этишган.

“Мен ватанимизга қарши ноқонуний ҳарбий таъжовуз натижасида Венесуэла халқи чеккан изтироблардан афсусда эканимни билдириш учун келдим. Мен икки қаҳрамоннинг ўғирлаб кетилганидан ҳам афсусда эканимни изҳор этаман”.

Родригес янги лавозимида Каракас “мувозанатли ва ҳурматга асосланган халқаро муносабатларни ривожлантиришга, жумладан, АҚШ билан алоқаларга биринчи даражали эътибор беришини” айтиб чиқди...

Мадуронинг “ўғирлаб кетилиши” дунё миқёсида кескин ва зиддиятли муносабатларга сабаб бўлди, халқаро ҳамжамият икки лагерга бўлинди, дейиш ҳам мумкин. Қўллаб-даватлар ва халқаро ташкилотлар бу воқеани суверен давлат мустақиллигининг бузилиши ва халқаро ҳуқуқ нормаларига зид ҳаракат деб баҳолади. Масалан, Россия ва Куба бу ҳаракатни “империалистик таъжовуз” ва “ноқонуний ўғрилиқ” деб атади. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш вазиятдан “чўқур хавотирда” эканини билдириб, бу тарзда қўлга олиниши хавфли ўрнак яратилишидан огоҳлантирди.

Лотин Америкасининг йирик давлатларидан Мексика ва Колумбия АҚШнинг ҳарбий аралашувини қо-

ралаб, инқирозни дипломатик йўл билан ҳал қилишга чақирди.

Айни пайтда, баъзи доиралар буни “адолат тантанаси” сифатида қабул қилган. АҚШ Республикачиларидан ташқари, Аргентина Мадуронинг ҳокимиятдан четлатилиши ва демократия йўлидаги қадамни олқишлади.

Американинг айрим ва дунёнинг бошқа шаҳарларида яшовчи венесуэлаликлар кўчаларга чиқиб, президентнинг қўлга олинишини хурсандчилик билан нишонлашди.

Халқаро экспертлар ушбу воқеанинг глобал оқибатларидан хавотир билдиришмоқда. Аксарияти АҚШнинг бу қадамини Лотин Америкасини яна ўз “ҳовлиси” деб ҳисоблаши ва исталган давлат раҳбарини куч билан алмаштириши мумкинлиги ҳақидаги сигнал деб ҳисобламоқда.

ЭРОН ОЛОВ ИЧИДА...



Венесуэла инқирози билан параллел равишда Яқин Шарқда ҳам олов авж олди. 2025 йилнинг сўнги кунларида бошланган Эрондаги намоишлар 5 январга келиб, 70 дан зиёд вилоятни қамраб олган тўлиқ кўзғолонга айланди. Сабаб оддий ва дахшатли — миллий валюта оддий қозғога айланди (1 доллар учун 1,45 млн риал), озиқ-овқат нархларининг кескин кўтарилиши халқнинг кўчага чиқишига асосий сабаб бўлди.

Эрон раҳнамоси Оятуллоҳ Али Хоманай “кескин чоралар” қўришга чақирди, намоийшчиларни “исёнчилар” деб атади ва уларга нисбатан ҳеч қандай шafқат қилинмаслигини таъкидлади. Суд ҳокимияти тартибсизликларни қатъий бостириш ҳақида буйруқ берди. Дунёнинг нариги чеккасидаги АҚШнинг қатъиятдан илҳомланган намоийшчилар энди кўркамаяптилар.

Трамп Эрон Ислом Республикасини намоийшчиларни ўлдирмасликдан огоҳлантириб, “биз қузатяпмиз”, деб баёнот берди. Агар зўравонлик давом этса, АҚШ аралашishi мумкинлигига ишора қилди.

Техрон расмийлари эса бу тартибсизликлар ортида АҚШ ва Исроил турганини ва улар намоийшчи-

ларни молиявий қўллаб-қувватлаётганини даъво қилмоқда.

Экспертлар 2026 йилни Эрон ислом режими учун энг оғир синов йили бўлишини тахмин қилишмоқда. Ички иқтисодий босим ва ташқи сиёсий таҳдидларнинг бир вақтга тўғри келиши вазиятни янада мураккаблаштирмоқда.

КЎЗЛАР ТАЙВАНГА ҚАДАЛДИ...



Пекин Каракасдаги операцияни диққат билан кузатди. Хитойнинг ижтимоий тармоқларида Мадуронинг қўлга олиниши бош мавзуга айланди: фойдаланувчилар пичинг билан “бу Тайвanni қайтариш учун модел бўлмайдими?” деб сўрашмоқда.

Трамп ҳозирча вазминлики сақламоқда. Орол атрофида Хитой халқ озодлик армияси ўтказётган кенг қўламли машғулотлар фонида Цзиньпин билан “аъло даражадаги муносабатлар”ини эслайтиб, бундан “хавотирда эмаслигини” айтди. Таҳлилчилар бу хотиржамлик ортида Трамппнинг апрель ойида Пекинга уюштириладиган ташрифига тайёргарлик ётгани тўғрисида гапиришади.

Етакчилар келиша олмасалар, Қўшма Штатлар Пекинга 100-200 фойзлик божлар киритади, токи чин аскарлари оролда бориб ўрнашиб олмагунларича, деб тахмин қилишади таҳлилчилар.

Дарвоқе, “Hurriyat” газетасининг ўтган йил 30 декабрь №52-сонида “2025 йил таҳлили ва 2026 йил фарази” мақоламдаги янги тахминлар ҳақида тўхталган эдик. Унга янги воқеалик — халқаро ҳуқуқ бузилгани, бир суверен мамлакат етакчисининг тўғридан-тўғри ўғирлаб кетилгани факти қўшилди. Демак, дунё олдиндан айтиб бўлмас даражага етди, янги йилнинг январини — фақат бошланиши, яна қутилмаган воқеаларга бой бўлади, деб фараз қилишимизга асос йўқ эмас...


Агар 2025 йил тайёргарлик босқичи бўлган бўлса, 2026 йил дунёнинг куч ишлатиш йўли билан қайта шакллантирилиш йилига айланмоқда. Эрон намоийшлар олови ичида, Венесуэла АҚШ назорати остида. Энди эса бутун дунёнинг диққат-эътибори Тайвань бўғозида қаратилган...

Аброр ХОН,
сиёсий шарҳловчи.

ХОРИЖ

ИСРОИЛ ВА ФАЛАСТИН ИНТЕРНЕТ БЎЙИЧА МУҲИМ КЕЛИШУВГА ЭРИШДИ

Ғазодаги уруш сабабли узоқ вақт тўхтаб қолган жараён ниҳоят ижобий яқун топди. Ғарбий Соҳилдаги Фаластин телекоммуникация компаниялари яқин ойлarda тўртинчи авлод (4G) мобиль алоқа хизматини йўлга қўяди. Бу ҳақда Исроил Алоқа вазирлиги маълумотларига таяниб, “The Times of Israel” хабар берди.



Исроил ва Фаластин телекоммуникация фирмалари ўртасида эришилган келишув 4 январь кунини Исроил ҳукумати томонидан ратификация қилинди. Ушбу ҳужжат Фаластин мобиль тармоқларини “3G”дан “4G”га ўтказиш учун зарур бўлган ускуналарни сотиб олиш ва етказиб беришга йўл очади.

Исроиллик ва фаластинлик расмийларнинг аноним тарзда маълум қилишича, тармоқнинг тўлиқ ишга тушиши учун 4 ойдан 6 ойгача вақт кетиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу янгиланиш уруш ҳаракатлари давом этаётган Ғазо секторига тааллуқли эмас. Айни дамда Исроил бу ҳудуддаги операторларга фақат анча секин ҳисобланган “2G” тармоғидан фойдаланишга рухсат берган.

БАНК ЎҒРИЛИГИ БЎЙИЧА БИРИНЧИ МУҲИМ ДАЛИЛ

Полиция Германия тарихидаги энг йирик ўғрилиқлардан бири сифатида баҳоланаётган “Sparkasse” банкидан пул ўғирланиши бўйича терговда биринчи муҳим далилни қўлга киритди. “Дра” агентлиги хабар беришича, терговчилар жиноятчиларнинг автомабилга тегишли бўлган давлат рақам белгиларини аниқлаган.



Маълум бўлишича, давлат рақамлари Дортмунда топилган. Ҳозир улар ҳақиқатан ҳам ўғирларга тегишли бўлган бўлмаганини аниқлаш учун текширув ўтказилмоқда.

“Bild” нашрининг ёзишича, ушбу рақамлар Дортмунд вокзалидаги такси тураргоҳи ёнида жойлашган чиқинди контейнерида қолдирилган бўлган. Бу ҳақда гувоҳ телефон орқали полицияга хабар берган.

3,2 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА СОТИЛГАН БАЛИҚ

Японияда йил боши аъъанавий равишда катта қизиқиш уйғотадиган балиқ аукциони билан бошланди. 5 январь кунини ўтказилган навбатдаги савдода қўқ тунец балиғи тарихидаги энг қиммат нархлардан бирига сотилиб, яна бир рекорд қайд этилди.

Маълумотларга кўра, оғирлиги 243 килограммини ташкил этган қўқ тунец балиғи “Sushi Zanmai” ресторанлар тармоғига эгалик қилувчи “Kiyomiga Corp.” компанияси томонидан 510 миллион иенага, яъни тахминан 3,2 миллион долларга харид қилинган. Ушбу балиқ Япониянинг Аомори префектураси ҳудудида тутиб олинган бўлиб, савдо натижаси 1999 йилда ўрнатилган аввалги рекорддан ҳам ошиб кетди.

Аукцион яқунланган, қимматбаҳо тунец дарҳол бўлақланиб, “Sushi Zanmai” ресторанлари миқозларига тақдим этилди. Қўллаб ташриф буюрувчилар бундай таомни йилни омад билан бошлаш белгиси, деб қабул қилишини таъкидламоқда.



Интернет хабарлари
асосида тайёрланди.

ЖАМИЯТ ВА ЁШЛАР

КАСБ ҲУНАР – ИНСОНГА ЗИЙНАТ

Зангиота туманининг “Боғзор” кўрғонидаги “Садоқат боғи” ҳудудидаги Маънавият ва маърифат маркази. Бу масканда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш департаменти Марказий тергов ҳибсхонасида хизмат олиб бораётган ходимлар ййгилишган. Улар учун ҳар душанба кунини маънавият ва маърифат тадбирлари ўтказиш одатга айланган. Янги йилнинг биринчи душанбасида Ўзбекистон Журналистлар уюшмиси аъзоси, “Олтин қалам” халқаро танловининг совриндори, “Hurriyat” мустақил газетаси бош муҳаррири ўринбосари Дилмурод Қирғизбоев билан мазкур муассаса ходимларининг “Ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш — давр талаби” мавзусида маърифий учрашув бўлиб ўтди.

Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тарақиёти ёшларнинг салоҳиятига, яхши тарбиясига боғлиқ. Ёшларимиз касб-ҳунарли бўлиш билан бирга илм эгаллашлари ҳам муҳим. Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги даврда одамларни иш билан таъминлаш, бирор фаолият турига жалб этишнинг энг самарали йўли уларни касб-ҳунарга ўқитишдир. Шу билан бир қаторда ёшларни муносиб касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш, ҳаётда ўрнини топишга қўмаклашиш ҳам жиноятчилиكنинг олдини олишга хизмат қилади.

Таникли ижодкор ййигиланлар ҳузуридаги суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидаги ёшлар хусусида билдирилган фикрларидан бошлади.

Янги Ўзбекистонимизда қўлга киритилган энг муҳим ютуқлар ҳақида сўз кетганда, азму шижоатли спортчиларимизнинг нуфузли халқаро мусобақалардаги ғалабаларини таъкид-



лаш ўринли. Ўзбекистон футбол миллий терма жамоамиз илк бор жаҳон чемпионатида йўланмани қўлга киритди. Навқирон гроссмейстер Жавоҳир Синдоров энг ёш жаҳон кубоғи соҳиби бўлди. 9-17 ёшли шахматчилар ўртасида “рапид” ва “блиц” йўналишлари бўйича жаҳон чемпионатида юртимиз вакиллари 5 та олтин, 2 та кумуш, 5 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Ёшлар Параолимпияда жасоратли ва матонатли спортчиларимиз 125 та олтин, 77 та кумуш, 52 та бронза медалини қўлга киритиб, иштирокчи давлатлар ўртасида энг юқори натижани қўлга киритди.

Ўқувчи ва талабаларимиз халқаро фан олимпиадаларида 51 та олтин, 101 та кумуш, 126 та бронза медалини қўлга киритиб, ўз билим ва салоҳиятини дунёга намоийш қилди.

Эртанги кунга ишонч билан дадил бораётган ёшларимизга қараб, улар эришаётган ютуқларни кўриб, кўксимиз тоғдек кўтарилади. Албатта, бугунги мураккаб замонда ёшларимизни

турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш муҳим вазифадир.

Касб танлаш инсон ҳаётинидаги муҳим танловлардан биридир. Мутахассисларнинг фик-



рича, болада бирор касбга қизиқиш 7-синфдан бошланиб, қайси касбни танлаши 9-синфда тўлиқ маълум бўлади. Шу боис 9-синф битирувчиларини фанларни ўзлаштириши ва касбий қизиқишига қараб саралаб олиш тизими жорий этилиши, албатта, ўз самарасини беради. Ёшларимиз талаб юқори бўлган касблар бўйича дунёда рақобатбардош бўлса, қандай яхши!

Касбий таълимнинг энг муҳим бўғини бўлган техникумлар янги сифат босқичига олиб чиқиши ҳам қувончлидир. 2026 йилдан бошлаб ҳар йили камида 100 тадан техникум тўлиқ таъмирланиб, технологик ва талаб юқори бўлган касбларга мос ҳолда жиҳозлаб бериш режалаштирилган. Юртимиз техникумларида ҳам ривожланган чет давлатларидаги касбий таълим дастурлари жорий қилиниши мўлжалланмоқда. Ҳатто жорий йилдан бошлаб техникумларда таълим олаётган 100 минг ўқувчиға стипендия тўланади, аъло баҳоларга ўқиётган ва танлаган касбини пухта эгаллаётганларга оширилган миқдорда стипендия берилади.

— Ҳаёт имтиҳон, — деб сўзини давом эттиради нотиқ, — Бу имтиҳондан муносиб ўтиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Адашган ёшларни тўғри йўлга бошлаш, уларнинг қонун-қоидаларга амал қилишлари йўлида жонбозлик кўрсатиш, айниқса, ушбу муассаса ходимларининг ҳам вазифаларидан биридир.

Илм-ҳунарни, одоб-ахлоқни мерос қолдириш ҳар бир оила учун, ота-она учун катта бахт. “Қуш уясида кўрганни қилади” деган мақол бежизга айтилмайди. Кўзларимизнинг нури бўлган азиз фарзандларимиз ҳаётда яшашлари учун уларга адабни, касб-ҳунарни ўргатайлик. Ҳалол билан ҳаромни, тўғрилиқ билан хатоликни англаш ҳам ёшлардан оилада шаклланади. Ҳалол ризқ хунардан, касбдан келади. Болаларга устоз-шогирд аъъаналари таъмоийли асосида хунарни ўргатиш ота-боболаримиздан қолган хайрли уду. Бу борада водий вилоятларида ривожланган хунарымандчилик мактабларининг асосини ҳам шундай тажриба ташкил этади. Иймон ҳам ёшлардан қувватга кириб боради. Касб-ҳунарли, ахлоқ-одобли, йимонли ёшларда жиноятчиликка мойиллик бўлмайди. Ахборот технологиялари ривожланган бугунги даврда интернет орқали ёшларимиз онгига ахлоқсизлик сингиб бораётгани маълум. Бу ахлоқсизлик бизнинг менталитетимиздаги меъёрларга умуман тўғри келмайди. Тўғри, интернетнинг афзалликлари кўп. Аммо интернетдаги ёвузлик, ёмонлик, разолат акс этган маълумотлар, беҳаё лавҳалар эндигина ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларнинг ахлоқий тарбиясига тузатиб бўлмас даражада таъсир қилишини ҳам унутмаслик керак.

Ёшларни касб-ҳунарли қилиш билан бирга ватанпарварлик, Ватанга содиқлик руҳида, маънавий фазилатли, ўқимишли қилиб тарбиялашда мана шундай маърифат дарсларининг аҳамияти каттадир.

Мухаммад КЕНЖА.

ЭҚТИРОМ

Нурбой Жабборов билан ёшлигимиз бир маконда кечган: бир дарёнинг сувини ичиб, бир тоғнинг ҳавосидан нафас олиб, Қодир бахши Раҳимовга ўхшаш ўз даврининг машхур-машхур бахшиларини тинглаб улғайганмиз.

Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманига қарашли Откамар қишлоғи тоғлар этагида, бир томони кенг даштларга туташиб кетган, аждодлар мероси ҳисобланмиш минг йиллик қадриятлар, анъаналар эъзоз топган жой. Нурбой ана шундай азалий анъаналар қадр топган муҳитда улғайди. Назаримда, шунинг учун миллий анъаналаримиз бешиги бўлган фольклорни жуда яхши тушунади, теран ҳис қилади, яхши талқин қилади. Адашмасам, Нурбой Жабборов дастлаб нашрга тайёрлаган китоблардан бири ҳам халқ достонларидан бири — “Бобо Равшан” бўлиб, у бу достонни бекорга танламаган, болалигимизда энг севиб тинглаган, эшитган достонларимиздан бири айнан “Бобо Равшан” эди.

Алломишга ўхшаб кетадиган келбати, ўзини тугиши, маъноли сўзлари, гапга чечанлиги, далли-ғуллилиги билан Нурбой ҳар лаҳзада тоғнинг фарзанди эканлигини эслашиб туради.

Гарчанд бир дарёнинг сувини ичиб улғайган бўлсак-да, танишмиш талабалик давримизга тўғри келди. У Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетида, мен эса журналистикада таҳсил олардим. Бир университет, бир бинонинг юқори ва пастки қаватларида ўқиганимиз учунми, у пайтлар ҳар иккала факультет талабалари жуда иноқ ва аҳил эди, назаримда.

Илк танишувдаёқ у отаси ҳақида ҳаяжон билан сўзлаб берган. Очиғи, ўша пайтда айримларимизга унинг бу гаплари бироз эриш туюлган. Олис бир қишлоқдан пайтахтдай жойга келиб, отасини макташи сал галати-роқ туюлган. Ахир ким ҳам отасини ҳурмат қилмайди, яхши кўрмайди. Бироқ кейинчалик унинг отасини кўрган, яқиндан билгандан кейин Нурбойнинг мактанишлари бежиз эмаслиги, отаси мактагандан ҳам ортиқ эканига ишонч ҳосил қилганмиз.

Ота-онанинг дуосини олиш, уларга муносиб фарзанд бўлиш — ҳар бир фарзанднинг орзуси. Бироқ турли сабаблар туфайли ҳаммага ҳам бу бахт насиб этавермайди. Нурбой эса ана шундай бахтга мушарраф бўлган бахтлилардан бири.

Буни ўз кўзимиз билан кўрганмиз, неча бор гувоҳи бўлганмиз ва ҳавас қилганмиз. Нурбой деган ўспирин йигит орадан йиллар ўтиб, профессор Нурбой Жабборов бўлганди ҳам, ҳар доим ота-онасини, қишлоқ-дошларини ибрат қилиб кўрсатишдан чарчамади.

Отаси юз йил умр кўрган, улкан ҳаётий тажрибага эга зиёли, кўзинга тикилиб, ичингдагини ўқийдиган катта бир донишманд киши эди. Назаримда, отаси Нурбойни бошқача яхши кўради. Отасидека бор билим, тажриба, сўзамоллик, донишмандлик, киришмиллик — ҳамма-ҳаммаси Нурбойга кўчиб ўтгандек. Шунинг учун бўлса керак, ҳали ҳам Нурбой кўпгина анжуманларда, зиёли ёҳуд ижодкорлар юбилейларида отаси ҳақида гапириб, тадбир эгасига отасининг ёшини тилайди.

Бугун Нурбой Жабборов эришган ва эришаётган ютуқларни кўриб, бир нарсасга ишонч ҳосил қиласиз: унинг таниқли олим бўлиб етишишида ота-онасининг, туғишларининг, устозларининг хизмати беқуб. Ўзининг таъбири билан айтганда, “Баркамол шахс, биринчи навбатда, оила бағрида шаклланади. Авлод тарбиясида оилавий муҳит ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.”


II

Нурбой талабалик пайтида мумтоз адабиёт тарихига ўзгача меҳр қўйди. Мумтоз адабиётга муҳаббат, аслида, унинг қонидан бор эди. Болалигида отаси унга кўп Сўфи Оллоёрдан, Қул Хожа Аҳмад Яссавийдан, “Чор китоб”дан ўқиб берган ва илк саводини ўзи чиқарганди. Ҳали мактабга бормасданок Нурбойнинг хат-саводи чиққан, араб имлосида битилган китобларни ҳеч қийналмасдан ўқий оларди. Отасининг бу сабоқлари кейинчалик ҳамиша унга куч-қувват бериб, юксак орузларга эришишида йўлчи юлдуздек маёқ бўлиб келмоқда.

Одам тақдирини олдиндан била олмайди, бироқ бу тақдирга битилган азал ёзуқларининг амалга ошиши унинг ўзига боғлиқ. Тоғнинг олис бир қишлоғида, Абдулҳаким ота оиласида туғилгани Нурбойнинг бир бахти бўлган бўлса, кейинчалик ўзининг кунти, саъй-ҳаракатлари билан устозлар меҳрини қозониши тақдирнинг бир сийлови бўлган.

Университетда Озод Шарафиддин, Беғали Қосимов, Шариф Юсупов, Улуғбек Долимов, Умарали Норматов каби устозларнинг сабоғини олди. У шунчаки сабоқча бормади. Устозларнинг ҳар бирига чинакам шогирд бўлиб, уларнинг меҳрини қозонди. Адабиёт илмининг сир асрорларини кунт билан ўрганди, илмга меҳр қўйди, педагогик, нотиклик сир-асрорларини ўрганди.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари мамлакат ҳаётида ҳам, шу мамлакатдаги ҳар бир фуқаро тақдирини ҳам бурилиш даври бўлган, десам, хато бўлмайди. Қайта қуриш-



дан сўнг сиёсатда ҳам, мамлакатда ҳам бир парокандалик даври бошланганди. Одамлар эртанги кунига ишонмай қўйган, ўқитувчининг, олимнинг ҳурмати энг қадрсиз ҳолга келиб қолган, улардан кўра бозорда арава сурган кўпроқ даромад топган, қадрланган даврлар эди. Мана шундай даврда қўлига олий маълумотли деган дипломини олган ёш мутахассиснинг аҳволини бир кўз олдингизга келтириб кўринг. Қўлидаги дипломга қарамай, ўзини бозорга урганлар қанча эди! Шундай бир даврда ким сабр ва матонат билан илм йўлини танлаган, оғишмай, келажак томон интилган бўлса, булар ўз даврининг қадриятларидир. Ана шу сабр ва матонат қилганлар орасида Нурбой ҳам бор эди.

У турмушнинг қийинчиликларига қарамай, ўз келажиги томон интилди. Тақдирини илм билан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ҳамид Сулаймонов номидаги Кўлэмалар институти билан боғлади, шу даргоҳнинг аспирантурасида таҳсил олди. Азиз Қаюмов, Алибек Рустамов, Ботирбек Ҳасанов, Миад Ҳақимов, Шариф Юсупов, Сайидбек Ҳасанов каби олимлар билан ёнма-ён ишлади, уларга муносиб шогирд бўлишга ҳаракат қилди.

Аспирантура таҳсилдан сўнг дастлаб мазкур институтда кичик илмий ходим, сўнгра катта илмий ходим лавозимларида илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Нодир кўлэмалар фонди, шоир ва ижодкорлар архивидаги ҳужжатлар билан танишди, зарурларини синчиклаб ўрганди, айримлари нашрга тайёрлади, матншунос олим сифатида элга танила бошлади. Мана шу даргоҳда устозлардан олган сабоғи, матншунослик борасида орттирган тажрибалари кейинги улкан тадқиқотларида муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Зеро, матншуносликсиз адабиётшунослик тарихини тасаввур этиш мушкул.

Нурбой Жабборовнинг Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ҳаёти ва ижодига

бағишланган кўплаб мақолалари, “Фурқат асарларининг кўлэма манбалари” мавзусида номзодлик диссертацияси илмга ўз қараш ва фикрларига эга ёш олимнинг кириб келганидан далолат эди.

Фурқат мероси Нурбой Жабборовга қадар ҳам ўрганилган. Бироқ собиқ шўро мафкураси мезонлари доирасида, шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид кўплаб фактларни очик айтиш имкони бўлмаган.

Мустақиллик даврида Фурқат ижодини ўрганиш янги босқичга кўтарилди. Фурқат шеърини, унинг қарашлари, маърифатпарварлик ғоялари ва бадийи услуби янгича ёндашувлар асосида илмий таҳлил қилина бошланди. Бу тадқиқотлар орасида Нурбой Жабборов изланишлари алоҳида ўрин тутди. У ўз тадқиқотларида Фурқат ижодига хос бўлган етакчи тамойиллар: маърифатпарварлик ғоясининг устуңлиги; миллий ва умуминсоний ғояларнинг уйғунлиги; миллат тақдирини билан боғлиқ муаммоларнинг бадийи талқини; мумтоз лирик анъаналарнинг кейинги давр ижодкорлар меросида янги поэтик услубларда давом этирилишини кўплаб манба ва ижтимоий-тарихий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этди. Фурқат ҳаёти ва меросини яхлитлигича, тўла ва мукамал ҳолда ўрганишга муваффақ бўлди.

У номзодлик тадқиқотида Фурқат меросини асл манбаларга, шоирнинг ўзимиздаги кўлэма асарларига таяниб ўрганди, асарлар борасидаги хулосаларни асл матнга суянган ҳолда баён қилди. Шоир ҳаётига оид манбаларни эринмай, синчиклаб ўрганди ва ўзгача номъалум бўлиб қолаётган масалаларга ойдинлик киритди. Кейинчалик номзодлик ишини яна давом эттириб, “Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Дастлабки ишда фақат юртимиздаги манбаларга суяниб иш кўрилган бўлса, докторлик диссертациясида хориждаги манбалар таҳлилга тортилди ва матний тадқиқ қилинди.

Нурбой Жабборов ўз тадқиқотларида шоир ижодининг ўзбек адабиётида тутган ўрнига тамомила янгича баҳо берди, Алишер Навоий каби ижодкорлар анъаналарини Фурқат муносиб давом эттирганлигини, шеърятда поэтик мазмунини, муайян жанрлар табиатини янгилашда салмоқли ютуқларга эришганини, мумтоз шеърятда кам қўлланилган жанрларда салмоқли ижод қилгани ва унинг лирикаси юксак бадият намунаси эканлигини исботлаб бера олди.

Тадқиқотчи Фурқатнинг юртидан кетишига сабаб бўлган асосий омил сифатида унинг ижодкорлик позицияси, яъни очикдан-очик чор ҳукуматининг сиёсатини маъқулламаганлиги ва шу позициянинг ифодаси бўлган ижод намуналарида маърифатпарварлик ғояларини илгари суриши бўлганлигини ургўлайди. Асл матнга суяниб иш кўриш, ёндашувнинг янгилиги, холислиги, келинган хулосаларнинг кўплаб фактик материалларга асосланганлиги Нурбой Жабборов тадқиқотларининг қўлами ва аҳамиятини белгилаб берди ва уни чин маънода етук матншунос олим дея эътироф этилишига сабаб бўлди.

Нурбой Жабборовнинг мумтоз адабиёт борасидаги изланишлари Фурқат билан чегараланиб қолмади. Хожа Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Сўфи Оллоёр, Машраб, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муқимий, Исҳоқхон Иброт каби кўплаб ижодкорларнинг меросини тад-

қиқ этишга бағишланган изланишлари узун бир рўйхатни ташкил этади. Булар орасида Алишер Навоийга бағишланган тадқиқотлари алоҳида ажралиб туради. Олим Алишер Навоийни “Маоний аҳлининг соҳибқирони” деб атайди.

“Маоний аҳлининг соҳибқирони” беш бўлимдан иборат бўлиб, унда Алишер Навоий мероси моҳиятида ислом маърифати турганлиги, Навоий лирикаси ва “Хамса”, диний-маърифий асарларининг мазмун моҳияти, Навоийнинг буюк шахсияти, адабий-эстетик олами, Навоий бошлаб берган адабий анъаналарнинг Фурқат ва Абдулла Орипов каби ижодкорлар асарларида намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари атрофича тадқиқ қилинган. Олимнинг бу тадқиқоти навоийшуносликка муҳим улуш бўлиб қўшилди ва “Истиклол даври ўзбек навоийшунослиги” кўп жилдлитидан жой олди.

Навоий ўтмишда яшаб ўтган шоир эмас, у бугуннинг ҳам, келажакнинг ҳам шоири, файласуфи, донишманди, йўлчи юлдузи, тафаккур кўшиғидир. Навоийни англаш, тадқиқ қилиш — миллат руҳиятини англаш ва тадқиқ қилиш деганидир.

Навоий асарлари тадқиқига бағишланган Нурбой Жабборовнинг ушбу китоби ва бошқа кўплаб мақолалари адабиётшунослигимизнинг назарий асосларини бойитишга хизмат қилади.

III

“Маърифат надир?”, “Замон, мезон, шеърят”, “Адабиёт ва миллий маънавият”, “Замонамиз Ҳотамтоғи”, “Маоний аҳлининг соҳибқирони” каби ўнлаб китоб ва монографиялар ёҳуд у нашрга тайёрлаган Абу Ҳоимид Ғаззали, Абдурахмон Жомий, Исҳоқхон тўра Иброт, Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий, Зокиржон Фурқат каби кўплаб ижодкорларнинг танланган асарлари, ўнлаб дарслик ва ўқув қўлланмалар, етти юзга қарий мақолалар олимнинг илм оламида тутган ўрни ва аҳамиятини белгилаб беради.

Нурбой Жабборов замонавий адабиётга ҳам мумтоз мерос бадияти қонуниятларини яхши билган матншунос, ҳам турли адабий оқим ва қарашлардан хабардор замонавий олим сифатида ёндашади, ўзига хос таҳлил қилади ва муҳим хулосаларга келади.

Унинг Азиз Қаюмов, Озод Шарафиддин, Беғали Қосимов, Шариф Юсупов, Миад Ҳақимов, Иброҳим Ҳаққул каби илм даргалари ҳақида ёзган мақолалари адабиётшунослик илмининг етук билимдони эканидан, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Усмон Азим, Сироҳиддин Саййид каби шоирлар ёҳуд адиллар ҳақидаги тадқиқотлари эса ҳозирги замон адабиётини нақадар теран англаши ва нозик тадқиқ қилишидан далолат беради.

Нурбой Жабборовни фақатгина юрти-мизда эмас, балки қўшни қардош халқларда ҳам яхши билишади, қадрлашади. Унинг мақолалари, илмий изланишлари Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Озарбайжон, Туркия, Эрон, Хитой Халқ Республикаси каби мамлакатларда чоп этилган, илмий доираларда эътироф этилган. Унинг Туркияда турк тилида чоп этилган “Алишер Навоийнинг ирфоний олами” китоби туркиялик навоийшунос олимлар томонидан илқ кўтиб олинди. Бу китоб Алишер Навоий меросини англашга, унинг маърифий олами билан яқиндан танишишга хизмат қилиш баробарида истиқлол даври ўзбек навоийшунослигининг янги қирраларини намоён этди.

Кимдир яхши олим бўлиши, илмда анча юксак доволарни эгаллаши мумкин, бироқ яхши педагог ёҳуд шогирдларнинг севимили устози бўлиш ҳаммага ҳам бирдек насиб этавермайди.

Алломишдек келбат ато этган худойим Нурбойни бу борада ҳам роса сийлаган. Нурбой яхши педагог, яхши мотак ва ҳар жиҳатда ибратли устоз ҳамда маҳоратли ташкилотчи ҳам.

Нурбой Жабборов кирган аудиторияда ҳамма унинг нотиклигига тан беради. У қайси даврда қандай гапиришни, маълумотни қай тахлит етказиш кераклигини яхши билади. Бу борада у устозларнинг сабоғини яхши ўзлаштирганини, уларга муносиб шогирд эканлигини ҳар жиҳатдан исботлай олади.

Хоҳ мумтоз, хоҳ замонавий адабиётдан бўлсин, юзлаб сатрларни ёддан билади ва бирор-бир фикрни тасдиқлаш учун шундай шеърин сатрларни ўз ўрнида келтирадики, тингловчи моҳиятини тезда илғайди, фикр эгаси, нотикча нисбатан кўнглида ҳавас уйғонади.

Бугун Нурбой Жабборов шогирдларининг сони қирққа яқин. Улар орасида филология фанлари доктори, профессорлар, филология фанлари бўйича фалсафа докторлари бор. Дўстимиз бу жабҳада биз тенгдошлар-

ридан анча илгарилаб кетган. Бу ҳам унинг шижоати, шиддати ва яхши устозлиги туфайли.

Нурбой Жабборов Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи билан ҳамкорлик қилиб келади. Унинг раҳбарлигида қатор ёшларимиз ўзларининг илмий тадқиқотларини олиб бордилар ва бугун ҳам бу ҳамкорлик давом этмоқда. Музейда бўлиб ўтадиган тадбирларимизда у ҳаммага фаол иштирок этади.

Нурбой Жабборов Кўлэмалар институтидан сўнг Миллий университетда кафедра мудири, ун йилдан ошиқроқ декан лавозимларида ишлади. Ҳозирги пайтда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида кафедра мудири лавозимига ишлаб келмоқда. Салкам йигирма йилдан буён Илмий кенгашларда у билан ёнма-ёнмиз. Турли тадбир ва анжуманларда, сафарларда янада бўлишга тўғри келган. Ҳар қандай вазиятда ўзининг дадил ва холис фикрини айтиб, сафарда яхши суҳбатдош, тадбирларда етук ташкилотчилигини намоён эта олган ва ҳар доим бир нарсасга амин бўлганман: Нурбой ўзининг кимлигини ҳеч қачон унутмайди. Абдулҳаким отанинг ўғли эканлигидан ҳаммиша гурурланади ва буни зиммасидаги энг юксак бир масъулият деб билади.

IV

Нурбой Жабборовнинг илмий фаолияти республикамиздаги етакчи нашрлар, жумладан, “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Тафаккур”, “Ёшлик”, “Маънавий ҳаёт” каби журналлар, “Янги Ўзбекистон”, “Халқ сўзи” каби газеталар, “Ўзбекистон 24”, “Ўзбекистон тарихи”, “Маданият ва маърифат” каби телеканаллар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. У бир муддат “Куч адолатда”, “Фидокор” газеталарида бўлим мудири, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири ўринбосари, “Тафаккур” журнали бош муҳаррири ўринбосари лавозимларида ишлаган. “Маҳалла” телеканалда ўриндошлик асосида фаолият юритиб, “Маърифат ёғдуси” номли муаллифлик кўрсатувини ташкил этган. Деярли кунора ОАВда долзарб мавзудаги мақолалари, суҳбатлари билан мунтазам иштирок этиб туради.

Нурбой Жабборов 2005 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлган бўлса, 2018 йилдан эътиборан Адабий танқид кенгашини бошқариб келади. Бир нарсани аниқ эътироф этишимиз керак: Уюшмага янги раҳбар тайинлангандан сўнг фольклор ва адабиёт соҳасида тадқиқот олиб бораётган кўплаб олимлар уюшма аъзолигига қабул қилинди. Бир пайтлар бўлгани каби ижодкорлар билан олимлар ўртасидаги ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланди. Бунда, албатта, Адабий танқид кенгаши раисининг алоҳида ўрни бор.

Ёзувчилар уюшмасидаги бирор-бир тадбир Нурбой Жабборовсиз ўтмаган, десам, муболага бўлмаса керак. Нурбой, албатта, бу тадбирларга вақт топади. Тадбирларда, албатта, маъруза қилади. Маъруза қилганда ҳам ҳар бир мавзунини билиб, нотиклигини намойиш этган ҳолда маъруза қилади. Уни бугунги адабий жараёнда энг фаол олимларимиздан бири, десак, муболага бўлмайди.

Яқинда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан эълон қилинган “Илмнинг энг яхши 10 олими” йил танловида голиблардан бири бўлди. Бунақа эътирофлар ўз-ўзидан бўлмайди. Олимнинг узоқ йиллик меҳнати, илм оламига қўшган ҳиссаси, мамлакат ва халқаро миқёсдаги эътирофлардан келиб чиқилган ҳолда келинади бундай қарорларга.

Нурбой Жабборов хизматлари ҳукумати-миз томонидан ҳам муносиб тақдирланган. У “Шухрат” медали ҳамда “Дўстлик” ордени соҳиби. Эътирофлар, эришиладиган улкан ютуқлар ҳали кўп бўлади ва ҳаммаси олдинда, деб ўйлайман.

Нурбой Жабборов оиласи республика-миздаги ибратли оилалардан бири. Оилада икки нафар фан доктори, профессор бор. Фарзандлари, келинлари ҳам илм йўлини танлашган, илмий даражага эга, ўз соҳасининг мутахассислари.

Алишер Навоий, Огаҳий, Фурқат, Иброт каби алломаларимиз меросини, замонавий ўзбек адабиётини ҳар томонлама тадқиқ этиб, халқаро миқёсда тарғиб этиб келаётган ва шу кунларда ўзининг кутлуг ёшини қарши олаётган қадрдон дўстимизга ўзи айтганидай, отасининг ёшидан ошиб, Гўрў-лининг ёшига етиб юришини, юзлардан ошганди ҳам маоний аҳлига издош бўлиб, ҳали яна узоқ йиллар бизни ҳайратга солиб юришини тилаб қоламиз.

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.



МУТОЛАА ҲАЙРАТЛАРИ

БАШАРИЯТ ҚАЙИҒИ

ёки улуг адиб Чингиз Айтматовнинг авлодларга васияти

“Чексиз кенглик қаршисида қайикда ўтирган одамнинг ҳеч нарсаси арзимаслигини чол яхши биларди. Лекин инсон ўйлари билан Денгизга ва Осмонга тенглаша олади...”

Дин инсониятнинг энг катта маънавий таянчи ҳисобланади. Бироқ охирзамон тушунчасини фақат динга боғлаб тушуниш шарт эмас. Ер юзидида зулм, фахш ҳамда ёвузлик мавжуд экан, инсоният тасаввурида дўзах ва қиёмат ҳақидаги кўркўв, қай бир кўринишда бўлмасин, мудом яшайверади. Фақат яшайверади эмас, балки дунё тубанлашгани сайин башариёт таназзули муқаррар эканлиги ҳақидаги ҳадиқ ҳам орта боради. Эҳтимол, шунинг учундир, жаҳон адабиётининг асрлар оша унутилмасдан яшаб келаётган энг сара асарлари айнан мана шу ғояни ўз ичига сингдирган. Жумладан, дунё миқёсидаги улуг адиб Чингиз Айтматов ҳам ўзининг “Соҳил бўйлаб чапаётган Олапар” қиссасида “Оламини таназзулдан ким қутқаради?”, “Қандай қутқаради?”, “Инсоннинг ҳаёт олдидаги бурчи нималардан иборат?” каби умрбоқий саволларга жавоб излаган, таъбир жоиз бўлса, ўзининг бу борадаги муносиб жавобини айта олган.

Чингиз Айтматов ижодининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, адиб ўзининг ҳар битта асарига миф, афсона ва ривоятлардан детал сифатида унумли фойдаланади. Адибнинг қайси асари ҳақида гапирмайлик, ундаги бирор бир афсона ё ривоятни эсламасликнинг иложи йўқ. “Қиёмат” романидаги бўрилар ёки монастирдаги қўшиқ ҳақидаги афсона, “Асрга татиғулик кун”даги “Она Байит” ёки “Қора нор” ривояти, “Қулаётган тоғлар”даги қайлиқлар ёки арҳарлар ҳақидаги афсоналар бунга етарлича мисол бўлиши мумкин. Адиб ўзининг бу услуби билан, менинг назаримда, гўёки буғунги маданият ва қадриятлар ёмирилиб, тобора ахлоқий таназзул ёқасига яқинлашаётган инсониятни халқ орасидаги қадимий афсона ҳамда ривоятлар асраб қолиши мумкин, демоқчи бўлганга ўхшайди... “Соҳил бўйлаб чапаётган Олапар” асарига ҳам у ўзининг шу услубига содиқ қолган тарафда афсонани, янаям аниқроғи, Охота денгизи бўйида яшовчи кам сонли Нивих халқи оғзаки ижодида яшаб келаётган тюлень овловчилари билан боғлиқ кичик бир ривоятни асос қилиб олади. Билишимча, асар айнан шунинг учун Нивих халқи ёзувчиси Владимир Сангенга бағишланган.

Аммо “Соҳил бўйлаб чапаётган Олапар” Айтматовнинг бўлак асарларидан шу жиҳати билан



фарқланадики, адиб ўзининг бошқа асарларида ривоятлардан асарнинг фақат маълум бир қисми учунгина фойдаланса, мазкур қиссасини тўлалигича афсонанинг устига қурган.

Шу ерда Айтматовнинг ёзиш услубига хос бўлган иккита муҳим жиҳатга эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблайман. Булардан биринчиси: аввало, денгизда рўй берган воқеа оддий бир афсона эди, ёзувчи уни бадиий ҳақиқатга айлантириб, ҳаёт ҳақиқати даражасига кўтаряпти. Иккинчиси: адиб ушбу афсона асосида ўзи ҳам мифга тортиб кетадиган бир ривоят тўқиб, асар мағзига сингдириб юборяпти. Бу ҳам бўлса, “Кўк сичқонча” тўғрисидаги ривоятдир. Менимча, “Кўк сичқонча” ривояти ҳақида гапиришдан олдин асар воқеаларини қисман эсламоқ ва уни таҳлил қилмоқ жоиз.

Ўқирман эсласа, асар Ўрхон бобо, Милхун, Эмрайин ҳамда ўспирин ёшига яқинлашаётган Кирискнинг тюлень овлаш учун денгизга чиқиши билан бошланади. Ойдинлаштириш лозим эса, Эмрайин Кирискнинг отаси, Милхун амакиси. Ўрхон бобо — овчилар жамоасининг бошлиғи ҳисобланиб, қариндошлик жиҳатидан уларга беғона. Асарда воқеаларнинг айнан денгизда рўй бериши, яъни одамоднинг денгиз ва осмон орасидаги ҳаёт учун кураши тасвирланиши, шубҳасиз, рамзий, албатта. Ҳолбуки, қиссанинг асосий ғояси ҳам инсониятни йўқлик қарига ғарқ бўлишдан нима асраб қолиши ҳамда бунинг учун инсон қандай усулда кураш олиб бориши кераклигини тушунтиришдан иборат эди. Шунга қарамай, биз инсон ва денгиз воқеасини рамзлаштирамасдан, оддий ҳаётӣ воқелик сифатида қабул қилган тақдиримизда ҳам қисса ўз зиммасига олган бадиий

юкини бемалол оқлаган бўларди.

Муаллиф жуда кўп ўринларда Ўрхон бобонинг ҳаёлот оламига, ички кечинмаларига мурожаат этади. Асар бошроғида унинг ўзи кема ясаган дарраҳт билан гаплашгани келтириб ўтилса, ўртароғида Лувер ўрдақ ҳақида, ундан сал қуйроқда Сув париси билан боғлиқ илоҳий ҳаёллари ҳақида айтилади. Унинг бундай илоҳий ҳаёллари эса ўз ўзидан бизнинг ёдимизга кема ясаб, дунёни ҳалокатдан асраб қолишга уринган Нух пайғамбар ривоятини солиб юборади...

Аслида, Ўрхон бобони ҳар қандай тимсолнинг ўрнига қўйиб фикр юритишимиз мумкин. Диний жиҳатдан олиб қарасангиз, Ўрхон бобони хоҳ Муҳаммад алайҳиссалом денг, хоҳ Исо алайҳиссалом ёки Нух алайҳиссалом, ушбу ҳар битта тимсолга у ғоявийлиги билан, барибир, муштарак. Рост эмасми — кема бўрон ҳалокатига учраб, йўловчилар жонини асраш учун қолган озгина сувдан ҳамма ичганида Ўрхон бобо ичмай ўзининг улушини Кириска қолдиради. У нега шундай қилади? Ахир бола унга томчи қони қўшилган қариндош эмас эди-ку, Ўрхон бобони қандай масъулият бундай қилишга мажбур этди экан?..

Агар яхшилаб эътибор қилсак, у бу ерда фақат сувдан ичмадигани эмас, балки ўз жасорати билан инсоннинг келажак авлод олдидаги бурчини эсга солиб, Милхун ҳамда Эмрайинларнинг ҳам тасаввурини буткул ижобий томонга ўзгартириб юборяпти. Ушанда Ўрхон бобо ўз ризқидан кечи, уни Кириска илнимасдан, ҳеч бўлмаганда оғиз ҳўллаганда эди, Милхун билан Эмрайин ҳам унинг ҳаракатларини такорламаган ва оқибатда инсониятнинг авлодлари олдидаги мангу бурчи

Байрам АЛИ



Муаллиф ҳақида: Байрам АЛИ — Қашқадарё вилоятида туғилган. “Болангман, дунё”, “Куз ёмғирлари”, “Босириқ” каби насрий китоблари чоп этилган. “Шарқ юлдузи” журналідада филолият урутади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

бўлганидай, “Кўк сичқонча” ҳам бу ерда Нивих халқининг эътиқоди тимсоли, Яратган билан боғлиқнинг битта усули. Биз асар сюжетидан келиб чиқиб, инсоният Осмон билан Денгиз, яъни Тириклик билан Ўлим ўртасида азалий кураш олиб боради ва уни олисларда Саодат чўққиси денгиз қирғоғидаги “Олапар” мисоли чорлаб туради, деб билсак, инсон мана шу курашга бўлган куч ва бардошни, матонатни эътиқоддан олади, деган ечим келиб чиқади. Янаям аниқроғи, банд ич-ичида кечаётган руҳоний жангларни фақат эътиқод билан босириқи, шу йўл билангина нафси дамини қирқиши мумкин, деб тушуноқ ўринли.

Лекин ривоятнинг аҳамият бериш шарт бўлган яна бир ингичка қирраси бор. Ахир асарда айтилаётган сичқонча оддий эмас, айнан кўк сичқонча! Ҳар қалай, сичқончанинг кўк эканига муаллиф томонидан алоҳида ургу берилган. Ҳўш, сиз кўк сичқонча ҳақидаги ривоятни яна қаерда ўқиган ёки эшитган эдингиз? Балки бу сичқонча мақола бошроғида ҳам сиз билан биз эслаб ўтган — дунёни ҳалокатдан қутқармоқчи бўлган Нух пайғамбарнинг кемасини тешган ўша машҳур кўк сичқончадир?! Ҳа, менимча, шундай. Айтматов аслида тўқиган мана шу миф-ривояти мисолида ўзи яратган парадокс билан халқларнинг турли-туман эътиқоди ўртасидаги тафовут пардаларини сидириб ташламоқчидай, назаримда...

Алқисса, шунча рамз ва символларни, шунча улкан ғояларни ўз ичига сингдирилган мазкур асар “Дунёни ким қутқаради?”, “Қандай қутқаради?” каби умумбашарий саволларга ҳулосавий ечим билан якун топади. Бу ҳулоса шундан иборатки, дунёни ўзгартириш учун бомбардимон урушлар олиб бориш ёки оламшумул инқилобларга ҳомийлик қилиш шарт эмас. Одамзодда биргина Ўрхон бобонинг жасорати бўлса, бас, дунё тубдан ўзгаради. Башарти, ҳар битта инсоннинг авлодлари олдидаги мангу бурчи ҳам, аслида, шудир...

Қолаверса, сиз ва биз билан замин чексиз фазо узра денгиздаги қайиқдай чайқалиб турибди. Ўрхон бобонинг ҳаёт тажрибаси, Эмрайиннинг ибрати, Кирискнинг матонати унутилар экан, у “Олапар” чўққисидан тобора олислашиб бораверади...

ҲИКОЯ

Илҳом АХРОР

ИЗҲОР

ЁЛҒИЗ

Тўйхона олдида турган тўйчи кўп қатори мени даврага таклиф этди. Унинг ёнида турган киши менга эргашди. Биздан олдинги олти-етти ўринли столда нуруний қария негадир биргина ўзи ўтирарди. Мен унинг ёнига ўтмоқчи бўлиб, у томон юрдим. Буни чол сезді. Менга ярқ этиб қаради. Бу нигоҳдан унинг хушфёъл, ҳалим табиатли инсонлигини англадим, у менинг ўзига давралош бўлишимни истаётгандек туюлди. Аммо ҳамроҳим овоз бериб, ёнимиздаги столда бўш турган икки ўринга ишора қилди. Мен чолнинг ёнига ўтиришни истаганим учун у томонга ишора қилдим. Бироқ давранан икки-уч кишининг овози эшитилди: “Домла, келинг бу ёққа”, “Келсангиз-чи, сизга жой олиб қўйганмиз”.

Иккинчи овоз эгасининг гапи таъсир қилдимни, кулимсираб ортимга қайтдим. Келиб, ҳамроҳимнинг ёнига жойлашдим. Дастурхонга қарайман. Йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Айниқса, ранг-баранг ичимликлар бирма-бир очилар, сармаст сўзлар кўпроқ ҳазил-мутобиқа оғушида эди. Даврадагиларнинг бари тўйчининг синфдошлари экан. Шунинг учун бу даврага эътибор бошқалардан кўра ўзгачароқ эди.

Ҳар замон қария томонга хижолатли нигоҳ ташлаганимда, кўзларимиз тўқнашиб қолар, унинг кўзлари, агар ёнимга келиб ўтиганимда азалдан ҳаром қилинган заҳар-заққумдан ичмасдинг, деяётгандек бўларди. “Балки, унинг ичига бориб ўтирмаганим ҳам яхши бўлгандир, — ўйлайман яна, — у қуда тарафдан бўлиб, бошқалар ўтирмаслиги — жойни банд қилиш учун атай қўйилган — узоқдан келаётган меҳмонлар қутлаётгандир”.

Ҳаёлим чолда бўлса ҳам даврадагилар суҳбатига қайтдим.

Бизнинг даврада ҳам ичмайдиганлар бор эди. Ёнимдаги ҳамроҳим кўп ичиб қўйганимни, тўйчига яқин қариндошим, бошқа давраларга ҳам ўтиб турди. Шу-шу қайтиб келмади. Ўрнига ичмайдиган, мени яқиндан биладиган очик чехралли Тўлқинжон келиб ўтирди. Беихтиёр атрофга назар солдим. Нафақат бизнинг давримиздагилар, балки

бутун тўйхонадагилар фақат ўзларининг завқу шавқларига ғарқ эдилар. Бир инсонни кўрмадимки, келиб қариянинг ёнида бир зум ўтирса, унга давралош бўлса! Тўғри, баъзи тўйга кечроқ келган ёшлар ора-орада бўш жойлар борлигини билмай, тамомила холи чол



ўтирган столга ўтиришар, дастурхонга ичимлик қўйилмаганлигини кўриб, тезда бошқа жой излашар, унинг ёнидан туриб кетардилар. Ҳар сафар бу ҳолат ўз берганда чол истеҳзоли жилмайгандай туюларди менга.

Тангри аслиятини кўз-кўз қилмасдан, уни бошқаларга ҳис қилдирадиган бандаларига файзу баракотидан улуш беради, аммо қудратидан эмас. Ахир тонгни оттирадиган ҳам, қуёшни боттирадиган ҳам фақат Ўзи. Дунёнинг ҳар жой-ҳар жойида ақидани зулм воситасига айлантирган бандаларнинг бандаларга, кунининги қора қиламан, дея ўшқирадиганлари ҳақида ўйлаб, ёқа ушлайсан. Биз давралошлар ўрни келганда ана шундай куфрона сўзларни айтирадиган “шайтон” сувини ичиб, қайфимизни чоғ қилаётганимизни билмасдик.

Мен энди қария томонга қарашга ботинолмай қолдим. Чунки у ҳам мени кузатиб тургандек эди. Энди менга тўй бошланишидаги дилгир қарашлари на-сиб этмайди, деб ўйлардим. Закилар айтган-ку: “Шамолни чорлаган бўронда қолур”. Назаримда, тумтароқ сўзларни қалаштириб ташлаётган овози ёқимсиз давракаш, ҳавойи оҳанги ясама овози-

дан баланд хонанда ҳам фақатгина чолнинг таажжуб, афсус-надомат бўронида қолгандай эдилар.

Тўй ниҳоясига ета бошлаши билан барча ўрнидан қўзғала бошлади. Мен очик қарамасам-да, чолни зимдан кузатардим. Тўйчи икки қўли кўксига ҳолда



чолга ташрифи учун миннатдорчилик билдирди чоғи, чол қандайдир тилаклар айтиб дуога қўл очди. Сўнг ўрнидан турди, ҳамма қатори ташқарига чиқа берганда “Демак, унинг даврасига ҳеч ким қутилмаётган экан-да! Тўй бошланишидан охиригача ёлғиз ўтирди-я!”

Чол ёнимиздан ўтиб кетгунча тик турган ҳолда ўзимни киминдир қутаётгандек тескари томонга бурилдим: аслида, келин-куёв қаршисида ўйнаётган қудалар ва уларнинг қариндошлари, кўёвжўраларга қараганча бир муддат ўзимни қалгитдим. Унинг биздан узоқлашганини кўргач, эшик томон йўналдим.

Мана, бу тўйнинг ўтганига ҳафталаар ўтса ҳамки, чолнинг қиёфаси сира кўз ўнгимдан кетмасди. Қариянинг қарашлари, маъноли кўзлари ўзим қаердадир ўқиган ёки қимдандир эшитган ҳикмату ибратли бораларни эслатиб, мени руҳан эзарди.

— Биламан-у, амал қилмайман, — шивирлардим гўё у мени эшитаётгандек. — Ахир айтишган-ку: амалимиз аслимиздир...

Ҳа, шундай. Кўпчилигимиз афсуски, шу ёлғон дунёнинг ҳою ҳаваслари билан овворамиз.

ШОИРГА мактуб

Ассалому алайкум, қирқ йиллик ғойибона танишган қадрдоним Икром Отамурод!

Ушбу хатни ёзувчини деярли Сиз билан тенгдош бир мухлисизингиздан деб билгайсиз.

Икром Отамурод деган номни эшитганимдан буён ҳам қирқ йилча вақт бир зумда ўтиб кетибди. Мен Сизни “Жануб қушлари” ва “Вақт рангалари” шеърӣ тўпламларингиз орқали ўзига хос шоир сифатида қашф этганман. Яна бир нарсани таъкидлашни хоҳлар эдимки, менинг қалбимга сиз “Қангалум” бўлиб муҳрлангансиз. Қашқадарё воқеасидан етишиб чиққан Абдулло Орипов, Жуманиёз Жабборов ва Нормурад Нарзуллаевларнинг ёнида доим бақабатӣ шоир Икром Отамуроднинг кўрсанман ва тан оламан. Менинг бу сўзларим ҳушмодаёғулик эмас, дилимдаги гапларим. Ўзбек адабиётида Сиздек шоирлар борлигидан фахрланаман. Яқинда қўлимга “Сукут садоси” китобингиз тушди-ю, ундаги шеърлар, бадалалар, достонларингизни ўқиб чиққан, ўзимда кечган илқик фикрларимни Сизга мактуб орқали билдиришга жазм этдим.

Мен адабиётшунос ёки мунаққид эмасман, юқорида таъкидлаганимдек, оддий бир шеърятӣ мухлисман.

Ушбу китобини кириш қисмида сўзбоши ёзган шоир Минҳожиддин Мирзо ва китоб сўнида филология фанлари доктори Узоқ Жўрақулпоевнинг китобингиз ҳақида ёзганларидан ўтказиб бирон нарсга дейишни қўйди, албатта. Мени сиздаги сабр, бардош, қаноат қойил қолдиради. Билишимча, университетни битириб, отахон журнализм “Шарқ юлдузи”га келганингиздан буён шу кунгача бир жойда муқим ишлаб келаётисиз. Ҳозирги кунда адабиётӣ майдонда кўзга кўриниб қолган ўнлаб шоирларга устозлик қилганлигингизни ҳам эшитганман. Буеун ўзингиз устоз шоир даражасига етдингиз.

Икромжон, биласиз, ҳар ким “Ватан” тушунчасини ҳар хил тушунади. Лекин Сизнинг “Ватан”га берган таърифингиздан илҳомланмай бўлмайди. Менимча, булар муқаддас маконга топиб айтилган сержило ранглардир.

Мактубимнинг бошида “Қангалум” бўлиб қалбимга муҳрлангансиз деб айтган эдим. Назаримда, биргина шу жумлага Сиз бутун ҳиссиётларингизни, туйғуларингизни, дунёнинг сир-синоатларини жойлагансиз. Гўёки уни уммонга ўхшатса бўлади, уммон белоён, ундаги мўъжиза-



ларнинг тағига етиш мушкул. Сизнинг “Умрим — Қасбидан то Тошкентга қадар” деб бошланган шеърингиздаги ўтмиш, буеун, соғинч, умр паҳзаларини ўқиб, ҳаяжонланмай бўладими? Китобга киришилган шеърларингиздан бир олам маъно олдим. Айниқса, “Тўғрай”, “Улғбекнинг ўлими”, “Чўпоналдар”, “Норжон момо”, “Дашт одамлари” ва “Тўрқ” балладаларингизни ўқиган, ҳайратга тушдим.

Шундай кичик балладаларда ҳаётимизда бўлиб ўтган, ўтаётган, бошимиздан кечираётган воқеа-ҳодисаларни ишонарли, таъсирли қилиб ёзгансизки, “қойил” дейишдан бошқа сўз келмайди тилга.

Достонларингиз ҳақида ҳам тўлиб-тошиб ёзишим мумкин. Сиз аллақачон адабиётда ўз йўлини ва услубини топган улкан шоирсиз. Ёзган шеърларингиз ўқигандаёқ уни ким ёзганини билиб олса бўлади. Бундай бахтга ҳар қандай шоир ҳам мушарраф бўлавермайди. Сизнинг китобингизни мутлолаа қилиш давомида она тилимизни яхши билмаслигим, сўз бойлигим нақадар ночор эканлигини билиб, ростли, уялиб кетдим.

Китобда фақат икки жойда “Довуш” шеърингизда ишлатган “паллоб” сўзига “паллоб — изгирин”, “Чўпоналдар” шеърингизда “чўпоналдар — даштда яшайдиган қуш” дея изоҳ берилган. Сизнинг ёзганларингизни тушуниш учун мухлисларда ҳам сизники каби қувеаи ҳофиза бўлиши ёки бир нечта изоҳли лугатлар ёнида туриши керак бўлади. Бу менинг шахсий фикрларим, холос.

Умуман олганда, “Сукут садоси” китобингизни ўқиб, ўзимга маънавий озуқа олдим ва “ҳаёт нима?”, “яшашдан мақсад нима?” каби саволларга жавоб топгандек бўлдим.

Менимча, мактубим ҳам анча қўзилиб кетди, чоғи. Қалбимга “Қангалум” бўлиб муҳрланган менинг ғойибона қадрдоним, замонамизнинг улкан шоири Икром Отамурод, Сизга ижодда баланд парвозлар тилайман, адабиёт, шеърят шайдолари бахтига ҳар доим омон бўлине!

Мухлисингиз:
Сайфулла АЛ-МУРОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.
Қамаши тумани
Бойбўри қишлоғи.

ЖУРНАЛИСТ КУНДАЛИГИДАН

Миср Араб Республикасига турли мақомда бир неча марта борганман. Бир гал, 1998 йилда Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан тасвирчи Шўҳрат Мирзақаримов иккимизни Қоҳирага юборишди. Биз буюк олим ҳаётининг сўнгги йиллари ва Мисрда унга бўлган муносабат ҳақида туркум репортажлар тайёрлашимиз лозим эди.

Миср ташқи ишлар вазирлигининг МДХ бошқармасида бизни қабул қилишди. Бир ҳафталик дастур аввалдан келишилган ва тасдиқланган. Унга кўра биз қачон, қаерда, ким билан учрашамиз, нимани тасвирга туширамиз — барчаси соатма-соат белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, бошқарма бошлиғи илтифот юзасидан бўлса керак, яна қандай истагингиз бор, барчасини бажарамиз, деб қолди.

Савол қўтилмаган эди. Лекин мен вазиятдан фойдаланмоқчи бўлдим. Мисрга бир неча бор келсам-да, ҳатто Ал-Азҳар университети фаолияти билан таниш бўлсам-да, унинг раҳбари Шайхул Азҳар билан ҳеч учраша олмаганман. Уша пайтда, 1998 йилда Мухаммад Саид Тантавий Ал-Азҳар университети раҳбари эди.

Ташқи ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғининг таклифига биноан дарҳол шундай дедим:

— Имкон бўлса, биз Шайхул Азҳар жаноблари қабулига кирсак, дегандим.

Таржимон сўзини тугатмадиямки, бошқарма бошлиғи қулиб юборди. Бу дипломатия ахлоқиға тўғри келмаган гап эди. Мендаги норозиликни сезди-ю, дарҳол уэр сўради.

— Уэр, мени кечиринг, жаноб журналистлар. Гап шундаки, Шайхул Азҳар жанобларининг камида опти ойлик вақтлари кўнма-кўн банд қилинган. Сизлар эса атиги бир ҳафтага келиб, ауденция сўраясизлар. Бунинг ҳеч илоҳи йўқ, шунинг учун...

Бошқарма бошлиғи икки кўлини ёзиб елкасини қисди. Аслида, шундай эканлини билар эдик. Аммо у барча истагингизни бажараман, деганди-да.

— Сиз сўрадингиз, биз айтдик, — дедим бироз норози оҳангда. — Истагимизни Шайх жанобларига етказсангиз, насиб қилмаган бўлса, ноилж.

— Албатта, албатта, — деди мисрлик мулозим. — Шу буғуноқ Ал-Азҳар университети канцеляриясига илтимоснома топширамиз.

Бизга сафаримиз чоғида Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонасида “маслаҳатчи” лавозимида ишласа-да, аслида, махсус хизмат вакили бўлган Р.Қодиров ҳамроҳлик қилар эди. Уч кун Қоҳира давлат университети, Фустот шаҳри қолдиқлари, қадимий қабристон, Микёси Нил мажмуаси каби манзилларда тасвирга тушириш ишларини амалга оширдик.

Кечки пайт элчи Шамсиддинхон Бобохонов қақириб қолдилар.

Элчихона шаҳар маркази ва Нил дарёсига яқин эски мавзёларнинг бирида. У илгари Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ал-Сауд ҳазратларининг Мисрдаги рафиқалари учун сотиб олинган кўркам бино бўлган. Кейинчалик уни Ўзбекистонга сотиб юборишган.

Шамсиддинхон Бобохоновни ўтган асрнинг 70-йилларидан буён танир эдим. Ўшанда улар Москвада яшаб, шу ердаги Шарқшунослик институ-

ГАП ЁШДА ЭМАС ЭКАН...

ёхуд Мисрнинг бош имомларидан бирига имомлик қилганим ҳақида



тида ишлар эдилар. Кейинчалик оталари Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳурматидан бўлса керак, Шамсиддинхон акани Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг раиси, муфтий этиб тайинладилар. Бир неча йилдан сўнг эса уларни Миср Араб Республикасига Ўзбекистоннинг фақуллодда ва мухтор элчиси қилиб юборишди.

Элчихона ҳовлисида қўлини орқасига боғлаб олган Шамсиддинхон ака даргазаб ҳолда у ёндан бу ёнга юрар эдилар. Мени кўрдилар-у:

— Нималар қилиб қўйдингиз, Мухаммаджон? — дедилар жаҳл отига миниб. — Мен элчيمان, аммо мана бир йилдирки, ҳалигача Шайхул Азҳар билан учраша олганим йўқ. Сизни эса... эртага қабул қилар эканлар. Нега бемаслаҳат илтимоснома киритдингиз?

Мен бир сўз айтмай донг қотдим. Чунки бундай натижани ҳеч кутмаган эдим-да...

Шу кунни ярим кечгача қабулга кириш, суҳбат одоби, саволлар муҳокама қилинди. Бизга ҳамроҳлик қилаётган “маслаҳатчи” ўз хонасига кириб, Тошкент билан шу хусусда гаплашиб ҳам олди.

Шу кеча ухлай олмадим. Мен ҳаяжонимни енга олмасдим. Чунки Шайхул Азҳар ҳар кунни қайси-дир мусулмон давлати раҳбари билан учрашар ёки қайси-дир давлатга олий даражада сафар қиларди. Айтишларича, бундай ташрифларни ойлаб, ҳатто йиллаб кутар эканлар. Бундан ташқари, мусулмон олами диний кенгаши у билан маслаҳатлашиб қарор қабул қилар, фатво чикарар эди. Мен кимманки, Мисрга келиб ўқунинг қабулида бўлсам?..

Учрашув тайинланган соатда биз элчи “масла-

ҳатчи”си ҳамроҳлигида Ал-Азҳарнинг дарвозаларидан бири қаршисига келиб кута бошладик. Тайинланган соатдан 15-20 дақиқа ўтди ҳамки, кутиб олувчидан дарак йўқ эди. Шунда “маслаҳатчи” бизга шу ерда қимирламай туришимизни тайинлади ва ўзи бошқа дарвоза томон кетди.

Ал-Азҳар университети, аслида, бир кичикроқ шаҳарга ўхшайди. Унда маъмурий бино, ўқув иншоотлари, кутубхоналар, масжид ва ялли дарс ўтиладиган заллар ва бир неча дарвоза бор. Шу пайт ўрта ёшли, бошида салла, эғнида юпка, астарсиз чопон, ихчам соқоли ўзига ярашган бир киши олдимга келиб, араб тилида бир нималар деди. У қўлимдаги микрофон ва тасвирчидаги камерани кўрсатиб, “Ўзбекистон”, “телевизион” деган сўзларни айтди. Мен уни тасдиқладим. Шунда у бизни дарвоза томон таклиф қилди. Араб тилини билмасам-да, бор таваккал деб инглиз тилида ҳозир шеригимиз келишини, унғача кутиб туришимиз лозимлигини айтдим. Қарангки, у ҳам инглиз тилини менинг даражада билар экан. Биз бир-биримизни тушундик.

Шу паллада пешинга азон янгради. Вақил безовта бўла бошлади. Яна бироз кутдик, аммо элчи маслаҳатчисидан дарак йўқ эди. Такбир айтилганидан сўнг, бизни кутишга келган вақил шу ерда, кўм-кўк майсалар устида пешин намозини ўқиб олишни таклиф қилди. Мен розилик билдирдим. Вақил мендан 10-15 ёш кичик эди. Балки, шунинг учундир ёки илтифот юзасиданим, мени имомликка ўтишга ишора қилди. Ахир у мендан анча ёш-ку, дедим-у, унинг таклифини қабул қилиб, ярим қадам олдинга чиқиб, ният қилдим-у “Аллоху акбар” дея қулоқ қокдим. У

ҳам мендан сал ортда, ўнг томонимда менга иқтидо қилиб қулоқ қокди. Намозни тугатган, икки ёнга салом бердим. Қарасам, чап томонда Р.Қодиров ранги қув ўчган, ташвиш билан қузатиб турган экан. Мен дарҳол уни вақилга, вақилни унга таништирдим. Улар араб тилида сўзлаша кетдилар. Кейин маълум бўлишича, тайинланган дарвозани ё биз, ё улар адаштирган.

Шайхул Азҳар бизни ғоят илиқ, илтифот билан кутиб олди. Сўзининг бошидаёқ нега бизни қабул қилганининг сабабини айтди:

— Менга сизларнинг илтимосномангиз билан шахсингиз ҳақидаги маълумотни ҳам беришди. Қарасам, сизлар исломнинг буюк хизматкори Бурҳониддин Марғиноний шаҳридан экансиз. Ул улуғ зотга бўлган чексиз ҳурматимиз ҳаққидан учрашувларим давомийлигини қисқартириб, сизлар учун вақт топдим, — деди Мухаммад Саид Тантавий.

Бу аввало юртимиздаги буюқлар, уларга бўлган юксак эътибор ҳурматидан эди. Шайхул Азҳар 1998 йилда Ўзбекистонда Имом Бухорий зияратгоҳи тантанали равишда очилишини билар, ўзи ҳам унга таклиф этилган эди.

Суҳбат-интервью юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, ислом уламолари зиёратгоҳларини тиклаш, қайта қуриш, диний таълим ўқув юртлари, юзлаб масжидлар очилиши, ҳажга борувчилар учун яратилган шароитлар ҳақида жуда самимий рўхда ўтди.

Биз Ал-Азҳар университети биносидан чиқиб, элчихона машинасига ўтиришимиз билан элчи “маслаҳатчи”си сал бўлмаса гирибонимдан олди.

АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Бишкекда китоб тақдимоти

Президентимиз Шавкат Мирзиёев

“Қирғизистон — бизнинг муҳим стратегик ҳамкоримиз, энг яқин қўшнимиз ва вақт билан синалган дўстимиздир”, деган эди.

Албатта, бу сўзларнинг замирида икки қардош халқнинг минг йиллик азалий дўст-қадрдонлиги ва қўни-қўшничилиги муҳассам.

Қирғизистоннинг Ўш шаҳридаги Курманжан Датка ва Навоий кўчалари кесишган ҳудудда улуғ шoir ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилди.

Айтиш керакки, 2019 йилда Ўзбекистон ва Қирғиз Республикаси Ёзувчилар уюшмалари ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми ҳам икки томонлама адабий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омили бўлди келмоқда.

Ардоқли шоиримиз Миртемирнинг “Қирғиз халқиға” деб номланган шеърида қардошлик туйғуси жуда чиройли ифода топан:

*Чордеворлар ўрнида комбинатлар қуролган
Бахти ёрқин, бут халқсан;
Борсакемлас қўлларда комбайнлар суролган
Тургўри ҳам қут халқсан;
Тарихинча жиповини ўз измига буrolган
Дарёлари сўт халқсан...*

2022 йилда чоп этилган “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдликда қирғиз адабиётининг 150 дан ортқ вақиллари ижоди қамраб олинди. Бу ўзбек таржимонлари қирғиз адабиётининг буғуни қўнига қизиқиш билан қараётганликларини билдиради.

2024 йилда Чингиз Айтматовнинг 10 жилдик асарлар мажмуасининг нашр этилиши, шунингдек, 2025 йилда Қирғизистонда Абдулла Қодирининг “Ўткан кўнлар” романининг чоп этилиши адабий дўстлигимизнинг яққол намунасирид.

2024 йилда таниқли қирғиз ёзувчиси Султон Раевнинг “Танланган асарлар” номли китоби ўзбек тилида чоп этилди.

2025 йил апрелида Қирғизистон Ёзувчилар де-

легациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Қанибек Имоналиевнинг “Қирғизнома”, Роза Айтматованинг “Хат келди” китобларининг ўзбек тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

Бугун қирғиз адаблари Ўзбекистонда, ўзбек адаблари Қирғизистонда ўз китоблари тақдимотларини бемалол ўтказишаётир.

2025 йилнинг 24 декабрь кўни Бишкекда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Шўҳрат” медали соҳиби, ёзувчи ва таржимон Ҳабиб Сиддиқнинг “Америкалык қошуларым” (“Амриқолик қўшнларим”) китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимот муносабати билан Бишкек шаҳрига китоб муаллифи Ҳабиб Сиддиқ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, шоир ва ёзувчи Шукрилло Жалил ва камина таклиф этилган эдик.

Андижон вилояти орқали Ўш шаҳрига ўтдик. У ердан Бишкекка учимизни керак эди. Аммо туманли об-ҳаво туфайли кўн бўйи Ўшда қолиб кетдик. Хайриятки, кеча Бишкекка учимизимизга руҳсат этилди. Бишкекка етган, бизни кутиб олишга чиққан қардошларимизнинг илиқ муносабатини қўриб, кўнглимиздаги туманлар ҳам буткул таркаб кетганини ҳис қилдик.

Тақдимот маросими бошлангандан олдин бизни Қирғизистон Миллий ёзувчилар уюшмаси раиси Қанибек Имоналиев қабул қилди. Суҳбат жараёнида икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб бораётгани, бу борада шоир ва ёзувчиларнинг ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга экани таъкидлаб ўтилди.

Аликул Осмонов номидаги Қирғизистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон ва Қирғизистон Ёзувчилар уюшмалари, Қирғизистон Миллий кутубхонаси, Бишкекдаги “Улуу тоолор” нашриёти ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ҳар икки халқнинг шоир-ёзувчилари, адабиётшунос олимлар, журналистлар, адабиёт ихлосмандлари, кенг жамоатчилик вақиллари иштирок этдилар.

Ўзбек ёзувчисининг қирғизистонлик ва ўзбекистонлик мутаржимлар Айтмирза Абилокосимов, Учкўн Абдилазизов, Тўрабой Жўраев томонидан маҳорат билан қирғиз тилига ўтирилган ҳажвия ва

ҳангомалар жамланган мазкур китоби “Улуу тоолор” нашриётида чоп этилганди.

Адибнинг “Тўқайга ўт тушса”, “Ким ошди савдоси”, “Бедаво дарднинг давоси”, “Инглизча туш”, “Чирого ёниқ хонадон”, “Ўрага сичқон тушди”, “Ҳаёт йўлга ўхшайди”, “Сайланма”, “Нимкоса” каби насрий ва публицистик китоблари, “Яхшилар кўп дунёда”, “Лаббай, ҳўжайин...” номли қиссалари чоп этилган, драматик асарлари пойтахт ва вилоят театрларида сахналаштирилган, муҳлислар эътиборини қозонган.

Турли миллат адабларининг жаҳонга машҳур бир қанча комедиялари ва ҳикоялари Ҳабиб Сиддиқ таржимасида ўзбек ўқувчилари ва томошабинларининг маънавий мулкига айланиб улғурди.

Унинг асарлари мазмунан ранг-баранглиги, ҳаётийлиги, ширали тили, ҳазил-мутўйбага йўғрилганлиги, қўтилмаган ечимлари, тағдор иборалару илмоқли гапларга бойлиги, салмоқдор ижтимоий юки ва фалсафий ҳулосалари билан ўқувчи эътиборини тортади.

Халқаро адабий алоқаларимиз ривож натижасида Ҳабиб Сиддиқ асарлари Ватанимиз сарҳадларидан ташқарида ҳам ўз ўқувчиларини топиб бормоқда. Ҳажвия ва хангомалари рус, инглиз, турк, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тилларига таржима қилинган. Рус тилида “И смех, и грех” (2020), қорақалпоқ тилида “Эсим қурысин” (2023) тўппамлари чоп этилган.

“Америкалык қошуларым” адибнинг қирғиз тилидаги иккинчи китоби. Уч йил аввал Қирғизистонда унинг “Нымкесе” (“Нимкоса”) номли китоби нашрдан чиққан ва қирғиз китобхоналариға манзур бўлгани эътироф этилган эди.

Тадбирда сўз олган Қирғизистон халқ шоирлари Акбар Рискўлов, Маркабай Ааматов, Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият арбоблари Тўрабой Жўраев, Бегижон Аҳмедов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Мухаммад Сиддиқ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Шукрилло Ҳайитхонов ва бошқа иходкорлар сўнгги йилларда икки қардош халқ орасида ҳамдўстлик алоқаларининг кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораётгани, иходкорлар ўртасида ҳам-



корлик ривожланаётгани ҳақида сўзладилар, ўзбек адибининг қирғиз тилидаги янги китоби мундарижаси, мазмун-моҳияти, таржимонлар маҳорати, қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашдаги аҳамияти тўғрисида фикр билдирдилар, қирғизистонлик ўқирманлар учун муносиб тўхфа бўлганини эътироф этдилар.

Уюшма раҳбариятига ва мазкур китоб нашрига ҳисса қўшган иходкорларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг, муаллифининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбек адиби Ҳабиб Сиддиққа Қирғизистон Миллий ёзувчилар уюшмаси фахрий аъзолик гувоҳномаси топширилди.

Адиб ўзининг ўзбек, қирғиз, рус, қорақалпоқ тилларида чоп этилган китобларидан Қирғизистон Миллий кутубхонаси фондига совға қилди.

Мухаммад Сиддиқ РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ШЕЪРИЙ ТАЛҚИН

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

ТРАМВАЙ

Тунда трамвайда сархуш ўспирин
Тинмай ҳайдовчиға ёлворар эди.

— Ана у кўчага юз қадам кириш,

уйим ўша ерда, жон ака, — дерди.

— Бу — трамвай, — дерди ҳайдовчи хуноб, —
Темир из бор, четга қандоқ бураман?
Игит қулоғига кирмасди жавоб:
— Беш сўм олинг, майли, ўн сўм бераман.

У сархуш йигитга ўхшайди, кўнгил
Орзулари парвоз этар қайдадир,
Талпинма, эй кўнгил,
Сен гапга кўнгил!

Ахир, маконимиз трамвайдадир...



Hurriyat
Mustaqil gazeta



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нарҳда

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун
муаллиф жавобгар.

Адади: 5271

Буюртма — Г-144

1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 23³⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2183-0680



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Маъиллимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Й.Маҳмудов, Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.